

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Тост

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 31 — 32

(2568 — 2569)

1993 йил

23 АПРЕЛЬ

ЖУМА

СОҲУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Инсонийлик бурчи

Самарқанд вилоят ёнгиндан сақлаш бўлимида Ўзбекистон Республикасида оғир атлетика бўйича хизмат кўрсатган тренер, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг депутаты Мамажон Аҳмедович АХМЕДОВга эсдалик совғасини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу совғанинг олинди тафсилоти қуйидагича.

Хотини Робия билан тунда соат иккиларда уйга қайтаётган Мамажон Муборак кўчасидан ўтиб бораркан, куйган нарсанинг ҳидини сезди, бирдан қизиган шифернинг қарсиллаган овози эшитилиб қолди.

— Чоп, ўт ўчирувчиларга хабар қил, — деб қичқирди Мамажон хотинига, ўзи эса гувиллаб ёнаётган уйнинг ҳовлисига шошилди.

Мўъжазгина ҳовлида бир эрақ, кўринишича уйнинг соҳиби, алангага челақдан сув сепарди, унинг ёнида йиғлайвериб мадори қурган аёл кўзга ташланарди. Уй ичидан боланинг жон-жаҳди билан йиғлаётган овози эшитилмоқда эди.

Мамажон бир лаҳза ҳам ҳаялламай уй ичига югурди, олов ичидан қизалоқни олиб чиқиб, етиб келган қўшнилardan бирига узатди, ўзи эса сув тўла челақни кўтарди.

Шу орада Робия ҳам етиб келди, у ҳам ёнгинни ўчиришга киришди...

Бир неча дақиқа ўтга Самарқанддаги 3 ва 2-МХЁҚ (махсус ҳарбийлаштирилган ёнгинни ўчирувчи қисм)ларнинг ўт ўчириш машиналари ҳозир бўлди. Ёнгинни ўчиришга ички хизмат подполковниги А. Абдумуродов бошчилик қилди.

— Йигитларимиз баҳамжиҳат ишладилар, — деб ҳикоя қилади раҳбарнинг ёнгинларни ўчириш бўйича катта ердәмчиси Б. Раҳмонов. — Кимдир ана шу тор кўчага юк машинасини олиб келиб қўйган экан, ўт ўчирувчиларимиз энг яқин сув ҳавзасига бориш учун ўз машиналарини эҳтиёткорлик билан олиб ўтишга мажбур бўлдилар.

Ёнгинни ўчиришда 3-МХЁҚ қоровули бошлиги ички, хизмат капитани Н. Абдуғаниев, 2-МХЁҚ қоровули бошлиги ички хизмат катта лейтенанти М. Абдуевлар айниқса ажралиб турдилар.

Ёнгин ўчирилди, қўшилиб ёна бошлаган қўшни уй ҳам қўтқариб қолинди, уй ёнгин хонадон соҳибларига тегишган буюмлар ҳовлига олиб чиқилди.

Ўз хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун М. Аҳмедов қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Бундан ташқари, унга республика ёнгиндан сақлаш хизматининг 75 йиллиги шарафига тайёрланган эсдалик совғалари топширилди.

Мамажон Аҳмедович ўзига топширилган қимматбаҳо совғани ўша заҳотиёқ ёнгиндан азият чеккан хонадон соҳибларига олиб берди.

— Уларга зарурроқ, — деди у. Шунинг қўшимча қилиш лозимки, ёнгин Муборак кўчасидаги 96-уйда содир бўлган. Қўтқариб қолинган қизчанинг исми Оля. Ана шу хонадон соҳибларининг ўз халоскорларидан қандай миннатдор эканлигини таърифлашга сўз озлик қилади.

Е. ЕРМАКОВ,
Самарқанд ИИБ ёнгиндан муҳофаза қилиш бўлими ёнгин-техник марказининг катта илмий ходими.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР КЎЧАСИДА ҲАМ БАЙРАМ

Ўт ўчирувчиликдек оғир, лекин шарафли касбни танлаган кишилар доимий жанговар тайёргарликни намойиш этган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар ёнгинларни баҳамжиҳатлик билан тезда бартараф этиб, табиий офат юз берган жойларга биринчи бўлиб етиб келмоқдалар. Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаган бугунги кунда уларнинг шаънига миннатдорчилик ва ташаккур сўзлари айтилаётгани ҳам бежиз эмас.

Шонли санага бағишланган тантанали мажлисни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Рустам Худойбергенович Абдуллаев очди.

ИИБ штаби бошлиги, ички хизмат



Байрам сабабчилари эса болалар уйига гиламлар совға қилдилар.

Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ўт ўчирувчиларнинг оилаларига аталган моддий ердәм ҳам ана шу залда топширилди.

Юбилей кунлари дўстлар билан бирга бўлиш айниқса қувончлидир. Ўт ўчирувчиларни табриклаш учун ички ишлар идоралари ходимлари ва болалар уйининг тарбияланувчилари йиғилишган эди. Жамоатчилик вакиллари юбилейлар шаънига илиқ сўзлар айтишди. "Совластитал" қўшма корхонаси, мол-мулкни ёнгиндан сугурталашга ихтисослашган "АСР" сугурта ширкати, хавфли ва олижаноб касб кишиларига миннатдорчилик ҳамда ҳурмат ҳисси билан муносабатда



подполковниги Шавкат Мавлонов йиғилганларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматов номидан байрам билан табриклади ва вазирининг Ёнгиндан сақлаш бошқармасининг фаол ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшитирди.

ИИБ ёнгиндан сақлаш



бошқармаси бошлиги, ички хизмат подполковниги Адҳам Ҳасанович Ёқубов ўзининг жавоб сўзида ёнгиндан муҳофаза қилиш ходимлари босиб ўтган шонли йўл ҳақида қисқача ҳикоя қилди.

Ёнгин офатига қарши курашда жонларини ҳам аямаган қаҳрамонлардан сўнмас хотира қолган. Йиғилганлар уларни бир дақиқа сукут сақлаш билан

хотирладилар.

Байрам ўз номи билан байрам. Карнай-сурнай садоси байрам бошланганидан огоҳ эди. ЁСБнинг байрамона безатилган сахнасида хизмат постида ҳалок бўлган ёнгиндан муҳофаза қилиш ходими Виктор Челноков номли 24-оталиқдаги болалар уйининг тарбияланувчилари ўз истеъодларини намойиш этдилар.

бўладиган бошқа жамоалар ўз совғалари билан келган эдилар.

Байрам байрамона руҳда ўтди. Олдинда эса — яна қизгин иш кунлари. Бирор ерда кулфат юз берса, кишилар хотиржам бўлишлари мумкин — уларнинг ишончли химоячилари ва кўмакчилари бор.

Ўз муҳбиримиз.
Суратларда: байрам лавжалари.
Х. ШОДИЕВ суратга олган.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

МИЛТИҚЛИ ҲАЙДОВЧИ

Шайхонтохур тумани ИИБ ходимлари томонидан В. Вургун кўчасида истикомат қиладиган, тез тиббий ердәм автокорхонаси ҳайдовчиси Р. М. кўлга олинди. Унинг ёнидан 16 калибрли қирқма милтиқ ва икки дона милтиқ ўқи топилди. Р. М. нинг очилмаган жиноятларга алоқадорлиги аниқланмоқда.

ЕРТЎЛАДАГИ "ХАЗИНА"

Мирзо Улугбек туманидаги Буюк Ипак йўли кўчасида (аввалги Луначарское) жойлашган 14-болалар касалхонасининг ертўласи тартибга солинаётганда у ердан учта қирқма милтиқ, битта қўлбола пичоқ, 16 дона 16 калибрли милтиқ ўқлари, аёллар кўйлаги, бир дона оқ халат топилди. Шифокор сиймосида жиноятга қўл урмоқчи бўлганлар кимлар экан? Ертўладаги ушбу "хазина" эгалари қидирилмоқда.

ЎҚОТАР АВТОРУЧКА

Қорақўл туманидаги яшовчи, 1963 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган К. М. гумон билан ИИБга келтирилиб, тинтув қилинганда унинг ёнидан қўлда ясалган авторучка шаклидаги ўқотар ва 5-6 миллиметрли жанговар ўқ топилди. Терговни ИИБ олиб борапти.

ЭНДИ ЖАВОБ БЕРАДИ

Каттакўрғон туманидаги Мичурин жамоа хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1969 йилда туғилган Х. Қнинг суммасидан 30 та 5,45 миллиметрли ўқ ва 364-рақамли ханжар топилди. У сумкадаги ашёларнинг нимага кўтариб юргани тўғрисида жавоб беришга тўғри келди.

КУЛГА АЙЛАНГАН ПОЙАБЗАЛЛАР

Қарши шаҳар савдо ташкилотининг ҳайдовчиси, 1963 йилда туғилган З. М. "ГАЗ-53" белгили автомобилни бошқариб бораётганда унинг гилдираклари ку-

тилмаганда ерилиб, машина ағдарилиб кетди ва аланга ичиди қолди. Оқибатда Тошкентдан олиб кетаётган қиймати 11 миллион сўмга яқин пойабзал куйиб, кулга айланди. Жабрланганлар йўқ.

ҚОТИЛ ҲИБСДА

Фаргона вилоятининг Навбахор қишлоғида истикомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1961 йилда таваллуд топган А. Ж. уйда хотини билан ўзаро жанжаллашиб қолди. Ниҳоят, фиғони фалакка етгач умр йўлдоши, 1973 йилда туғилган Ф. Х. ни бўғиб ўлдириб қўйди. Қотил ҳибсга олинди. Терговни прокуратура олиб бораптир.

ТЕРГОВ ҚИЛИНЯПТИ

Фарғонадаги хом-ашеларни қайта ишлаб чиқариш ташкилотининг таъминловчиси, 1964 йилда туғилган Н. К. 33-сонли "Андижон-Москва" поездининг 16-вагонидида 22 килограмму 100 грамм гиеҳванд модда — наша билан ушланди. Терговни йақлиет милицияси олиб бораптир.

"ОТАСИГА РАҲМАТ-Э"!

Олтинсой туманидаги давлат хўжаликларидан бирининг директори хонадонидан ИИБда рўйхатдан ўтказилмаган 16 калибрли ов милтиги, 103 дона ўқ, ов пичоғи, унинг отаси истикомат қиладиган хонадондан эса 1500 дона "Русская" ароғи тикини, 300 дона ароқ ерлиги, қўлбола ароқ епувчи ускуна топилди. Директорни ёмон йўлдан қайтармаган мўйсафид отага раҳмат-э!

САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Нукус шаҳри чеккасида жойлашган Тахнатош туманлараро ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли омборда сақланаётган яроқсиз 90 тоннага яқин захарли кимевий моддадан кутилмаганда ёнгин чиқди. Ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

ТУНДАГИ ПОРТЛАШ

Асака шаҳридаги Навоий кўчасида жойлашган "Лаззат" қаҳвахонасида ярим тунда портлаш рўй берди. Натижада қаҳвахона ойналари чил-чил

синиб кетди. Жароҳатланган ва шикастланганлар йўқ. Ходиса жойи кўздан кечирилганда металл парчалари топилди. Жиноятчиларни ушлаш чоралари кўриляпти.

БРИГАДИРНИНГ КЎКНОРИСИ

Ургут туманидаги Ургут жамоа хўжалигининг бригада бошлигининг ҳовлиси кўздан кечирилганда 55 квадрат метр жойга кўкнор ўсимлиги экилгани аниқланди ва улар йўқ қилиб ташланди. Тинтув пайтида унинг уйдан 10 килограмм банг, 9 килограмм кўкнор пўчоғи топилди.

ТЕКШИРУВ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ

"Душанбе-Москва" поездининг II-вагонидида кетаётган Россия фуқароси, Москва саралаш темирйўл станцияси хўжалик ишлари бўйича мудири суммасидан бир дона Макаров-тўппончаси, иккита ўқдон, 16 та ўқ, 20 АҚШ доллари, 197 минг 600 сўм нақд пул топилди олинди. Текширув ишлари олиб бориляпти.

БОСКИНЧИЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Ховдот туманидаги Тимирязев давлат хўжалигида яшовчи К. М. нинг уйига тунда номаълум шахслар бостириб кириб, қирқма милтиқ, пичоқ билан кўрқитиб, 100 минг сўм пул, бир дона ов милтиги, 3 дона тўлла узук, 5 дона аёллар кийими ҳамда уйга кўрк бериб турган битта гиламини қўлтиқлаб кетишди.

Босқинчиларни ушлаш чоралари кўриляпти.

ҚИЗЧА ОНАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Арнасой туманидаги Ю. Фучик давлат хўжалигида яшовчи Х. Ниезовага ўзини "Анбарой" деб таништирган аёл уй бекасининг ишончини қозониб, икки ойлик қизи Матлубани ўзи билан олиб кетиб қолди.

Х. Ниезова аудлик билан бу тўғрида ИИБга хабар берди. Қўрилган тезкор чоралар туфайли қизча бир кечада онасига қайтарилди. Бола ўғрисиининг шахси аниқланди. У Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Метин кўрғонидида яшайди ва ҳеч қаерда ишламайди.

Т. МУРОДОВ.

... Тадбирда қатнашаётган 250 нафар милиция ходими тумандаги вазият тўғрисида қисқа маълумот олганларидан кейин олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш учун белгиланган жойларга жўнаб кетишди. Биз вилоят ички ишлар бошқармаси вакили, милиция катта лейтенанти Бахтиёр Ашуров гуруҳи билан олинган маълумотларни текшириш учун "Лейнизм" жамоа хўжалигида яшаётган Мардон Мелибоев уйига бордик.

Текширувлардан кейин саккизта қоғоз халта ва олти та қоғоз қутида 28 хилдаги дори-дармонлар, тиббиёт докиси ва пахтаси, 4 минг дона электр чироғи, 20 литр спирт, 91 халта ун, 16мм. калибрли ов милтиғи борлиги маълум бўлди.

— Ўзим амбулаторияда шифокор бўлиб ишлайман, — деди М. Мелибоев. — Дори-дармонларни яқинда олгандим. Сақлайдиган жой бўлмаганлиги учун уйга олиб келганман.

— Дори-дармонларни ҳақиқатан ҳам жой йўқлигидан уйда сақлаётгандирсиз. Аммо

САМАРАЛИ ТАДБИР

Шўрчи туманида ўтказилган "Комплекс" тадбирининг бир кунги айрим натижалари ҳақида

жамоа хўжалиғи бригадири Ҳайдар Тошмировга тегишли экан. Бу юклар орасида штативга ўхшаб келадиган ускуна бор. Айтишларига қараганда, бу қурилма ароқ қопқоқлайдиган дастгоҳ экан. Яна бир тележкага Самарқандда ишлаб

Бизни ажаблантирган нарса ҳужжатлари йўқлиги эмас, балки "Уста" бирлашмасининг ўзи бўлди. Дўкон ҳам "Бинокор" бўлса, нега энди "Жигули"нинг энг камёб қисмларидан бири келиб-келиб қурилиш учун очилган дўконга, аниқроғи дўкон мудирининг



уйингиздан катта миқдорда ун, электр чироғи, ҳужжатсиз қурол ҳам чиққанига нима дейсиз?

— Бир куни кўчамизга бир тележка ун келиб қолди. Қарз-ҳавола қилиб, ҳаммасини сотиб олдим. Яна бир куни кўчада спирт сотиб юришган экан. Ундан ҳам 20 литрини савдолашдим. Лампочкаларни эса бир кичик корхонадан 20 сўмдан олганман. Ов милтиғи отамдан мерос қолган. Уни қўлга олиб кўрмаганман.

Хуллас, М. Мелибоевнинг уйдан чиққан нарсаларни икки машинага ортиб, тадбир штаби — туман ички ишлар бўлимига келганимизда унинг ёнида юк ортган машина ва тракторлар қаторлашиб кетган эди. Бу юклар ҳозирги қимматчилик ва камчиликдан фойдаланиб, бойлик орттиришни мақсад қилганларга тегишли эди. Бир тележкага ортилган 11 яшик хитой чойи, 116 та шампан виноси "Партия XXIII съезди"

чиқарилган 7 та "Сино" совутгичи ортилган. Прицепнинг бир чеккасида ўтирган йигитдан булар кимга тегишли эканлигини сўрадик.

— Акам Қудрат Эшқобиловники. У "Партсъезд"да бригадир, — деди ўзини Эркин Эшқобилов дея таништириб у, — мен бир чўпонман. Ойда-ойда бир уйга келаман. Буларни Деновдан бир таксичи кўчамизга олиб келиб, сотиб кетибди. Ҳужжатлари йўқ.

Ундан охиқ ёроч қутилар ёнида бесаранжом бўлиб юрган кишини гапга тутамиз.

— "Уста" бирлашмасига қарашли "Бинокор" дўкони мудир Баҳодир Бегматовман. Буларни ўтган кеча Термиз базасидан уйга олиб келишди. Анча кеч бўлганлиги учун дўконга олиб бормадим. Қутиларда "Жигули" автоуловининг тақсимлаш валлари бор. Ҳали ҳужжатлари ва нархи келганича йўқ.

уйида сақланиши керак? Яна бир мудирнинг уйдан (буфет мудир Кудрат Назиров) рус ароғидан 812 шиша, тожик коньягидан 106 шиша, "Ўзбекистон" мусалласидан 380 шиша, "Коинот" сигаретасидан 360 қути ва 332 метр зарли атлас чиқибди. Тахминларга қараганда ароқ Х. Тоштемиров дастгоҳида қопқоқланган экан. Албатта бу тахмин ва мавҳумликларга тергов барҳам беради ва қонунбузарлар тегишли жазоларини оладилар.

Энди қуйидаги рақамлар билан танишинг: бир тонна бензин, 8 ўқотар қурол, 30 грамм гиёҳвандлик моддаси, 3118 шиша вино-ароқ маҳсулоти, 19,5 тонна ун, 4 минг дона электр чироғи, 7 та совутгич, 220 килограмм чой, 255 дона "Жигули" автоуловининг тақсимлаш вали, 20 қути ноёб дори-дармонлар чайқовчилик билан шуғулланаётган кишилардан мусодара қилинди. Давлат автомобиль назорати ходимлари туманда шу куни йўл-транспорт қонун-қоидаларини бузган 50 автоуловни тўхтатиб, эгаларига жарима солдилар. Йигилган далилий ашёлар асосида 8 та жиноий иш қўзғатилди.

С. НОРМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти ИИБ
матбуот гуруҳи бошлиғи, ички
хизмат катта лейтенанти.
А. ЖАББОРОВ,
вилоят "Сурхон тонги"
рўзномаси муҳбири.

Айни кунларда республика ҳудудидан озиқ-овқат ҳамда sanoat маҳсулотларини ноқонуний йўл билан четга олиб чиқиб кетувчиларга қарши қаттиқ курашилмоқда. Бизнинг Қува тумани ички ишлар бўлими ходимлари ҳам бу хилдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тунда ишловчи патруль-постларини ташкил

ОО ОШЛ давлат рақамли автомашина тўхтатилиб текширилганда Фарғона дон маҳсулотлари корхонасида ишлаб чиқарилган 100 қоп, жами 5 тонна бугдой унини Абдухалил Чолбоев деган шахс олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Текшириш жараёнида маълум бўлишича А. Чолбоев унни Қува тумани Толмозор қишлоғида

ТАШМАЧИЛАР ТАШИЙВЕРАРҚАН

этишди. Уларнинг тезкорлиги туфайли ташмачилар "ташвишдан халос" бўлмоқдалар.

Шу йилнинг 24 февраль куни туманимиз ҳудудида Ўш вилоятига қарашли 17-52 ОШП рақамли "ГАЗ-59" белгили автомашина текширилганда, ҳайдовчи Р. Сулаймонов ўз шериклари билан 23 қоп унни Ўш вилоятига олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

1 мартдан 2 мартга ўтар кечаси Толмозор қишлоғи ўраида Олмаота шахрига тегишли "КамАЗ" белгили И 5421 АП автомашинаси текширилганда эса жами 1 тоннага яқин бўлган асал, 2 қоп ёнроқ, 267 қоп олма борлиги аниқланди. Текширувлар натижасида маълум бўлишича, бу моллар фуқаро Р. Мирзаевга тегишли бўлиб, Россия давлатининг Нижний-Тагил шахрига олиб кетилаётган экан.

Худди шундай манзара 3 март ярим кечаси ҳам содир бўлди. Унда қўшни Қирғизистон Республикасига ўтиш йўлида 87-

яшовчи фуқаро С. Исажоновдан ҳар қопни 1600 сўмдан сотиб олган. Автомашинани ҳайдовчиси А. Арапов милиция лейтенантлари Р. Исмоновга, М. Мўйдиновга ва сержант Н. Бозоровга агар қўйиб юборсалар, эвазига 200 минг сўм "суюнчи" беришни ваъда қилган. Милиция ходимларини кўндирилмагач, А. Арапов ёнидаги икки шериги билан ходимларга очикдан-очик қаршилиқ кўрсатган. Автомашинани янада синчиклаб текширилганида, бу уч киши ўзлари билан 555 минг 750 сўм нақд пул олиб юрганликлари аниқланди.

Халқнинг ризқига кўз олайтириб, ўз чўнтагини қаппайтироқчи бўлган уч ташмачи манзилгача постлардан, боғхоналардан ўтиб боришдек катта "ташвиш"дан халос бўлдилар ва қонун олдида жавоб берадилар.

Н. ЮСУПОВ,
Қува тумани ички ишлар
бўлими бошлиғи, милиция
майори.

ШАҲАР БЎЙЛАБ "САЙР"

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган Э. Акбаралиев деган шахс-олдин оғир жиноятлар содир этиб, турли муддатларда қамоқ жазосини ўтаб чиққан бўлсада, яна жиноятга қўл урди.

1992 йилнинг ноябрь ойида "Маҳмуд" лақабли йигит ва унинг икки шериги билан спиртли ичимлик ичишиб, маст ҳолда кўчага чиқибди. Қизил чироқда тўхтаб турган З. Муҳитдинов исмли шахснинг автомашинасига сўроқсиз ўтириб олишдида, "Чорсу" меҳмонхонаси олдидан Чилонзорга ҳайдашни буюришди.

Сўнг Сирғали туманига боришди. Уларнинг икки шериги ўша ерда машинадан тушиб қолди. Э. Акбаралиев ва унинг шериги эса ҳайдовчини кўрқитиб, ёнидаги пули ва ҳужжатларини тортиб олишди ва ўзини орқа ўриндиққа ўтказиб қўйишди.

Автомашинанинг рулига Э. Акбаралиев ўтириб машинани Чилонзорга қараб ҳайдади. У ерда танишидан бир пақир бензин олиб, шаҳар айланишди ва Сағбон кўчасига келиб пиво ичишди. Шундан сўнг машинада яна "Чорсу" меҳмонхонасига келишди. У ерда "Маҳмуд" З. Муҳитдиновни кўрқитиб, зўрлик билан машинадан туширди. Э. Акбаралиев ҳам уни "Маҳмуд" билан "Чорсу" ресторанига киришга мажбур қилди. Ўзи эса вақтдан фойдаланиб, машинани олиб қочди. У ДАН-ходимларига бўйсунмай, машинани Чилонзорга қараб ҳайдаб кетаверди. Чилонзор даҳасига етганда уйлاردан бирининг дарвозасига бориб урилди ва шу ерда қўлга олинди. "Маҳмуд" лақабли шахс эса қочиб кетди.

Шайхонтоҳур тумани халқ суди Э. Акбаралиевни ўта хавфли жиноятчи, деб топди ва уни Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 127-модда 2-қисми, 209-2 моддасининг 3-қисми билан ўн бир йилга озодликдан маҳрум этди. Унга тегишли мол-мулк давлат фойдасига мусодара этилди.

А. ИЗЗАТОВ.

ОЛТИ ЙИЛЛИК ҚАМОҚ

САККИЗ МИНГ СЎМГА СОТИБ ОЛИНДИ

Муқаддам фуқароларнинг молларини ўғирлаб, икки марта қамалиб чиққан Босим Эшпўлатов қамоқдан қайтгач бирор фойдали иш билан шуғулланишни ўзига эп кўрмади, яшаш жойининг ҳам тайини бўлмади, ҳар жойда санғиб юриб кун кечирди. 1992 йилнинг баҳор ойларида Самарқанднинг "саройларида" дайдиб юрган Босим, тўсатдан туғилиб ўсган қишлоғини қумсаб қолди. Унинг қишлоғига боришдан мақсади қишлоқдошларининг молини гумдон қилиш эди.

У ўзининг қора ниятини амалга ошириш учун Бахмал туманидаги Шўрбулоқ-Муғол қишлоғида яшовчи таниши Ҳайитбойниқига қош қорайганда кириб келди. Кўришмаганларига хийла вақт бўлган икки ўртоқ алламаҳалгача сўхбатлашиб

ўтиришди. Сўнг Босим Қоратош қишлоғига боришим керак, деб чиқиб кетди. У асли ўша қишлоқлик бўлганлиги учун қишлоқнинг бутун икки-чиқирларини, кимнинг молхонаси қаерда жойлашганлигини, хилват кўчаларни ҳамма-ҳаммасини яхши биларди. Тун алламаҳал бўлиб, ой ҳам ботиб қишлоқни зим-зиё қоронғулик босганида хилватроқ жойда жойлашган қишлоқдоши Исомиддин Шукуровнинг хонадонига мўралади. Хонадон эгалари тинч уйқуда эди. У ҳовлида оёқ учинда юриб молхонага яқинлашди. Унинг бахтига

ҳовлида ит ҳам йўқ экан. Молхонага кириб қизил сигирни етаклаб чиқди.

Катта ишни бажариб толиққан қаҳрамонимиз тонг саҳарда Булунгур тумани Килдон қишлоғидаги чекка бир хонадонга кириб келди. Хонадон эгаларига: "Бозорга бормоқчи эдим, шерикларим кетиб қолишибди, бирорта улов бўлса ёрдам беринглар, бозорга етиб олишим керак, ўғлимни уйлантироқчи эдим. Сигирни сотмасам бўлмайди", — дейди. Хонадон эгалари эса бозор тугаб қолди, улов топиш ҳам амримаҳол, сигирни

бизга сотиб қўяқолинг — дейишади. Шунда у харидорлари билан савдолашиб сигирни 8000 сўмга пуллаб, Самарқанд шаҳрига равона бўлади.

Жиноятдан тезда хабар топган Бахмал тумани ИИБ ходимларининг олиб борган тезкор тадбирлари натижасида жиноятчи Самарқанд шаҳридан ушлаб келинди.

Бахмал тумани халқ суди Б. Эшпўлатовни 6 йилга озодликдан маҳрум этди.

Бу қаҳрамон одамлардек ишлаб, яшаб юрса бўларди. Йўқ, у қандай қилиб бўлсада 8000 сўм пул топди, 6 йиллик қамоқ муддатини сотиб олди.

С. ТЎХТАЕВ,
Бахмал тумани ИИБ бошлиғининг
шахсий таркиб билан ишлаш бўйича
ёрдамчиси, милиция капитани.

— Алишер Озодович, ҳар қандай ишу хизмат тегишли тартиб-қоидалар асосида юритилади-ю аммо унга сизлардек қаттиқ амал қиладиганлар кам бўлса керак?

— Тўғри, бу гапларда жон бор. Ходимларимиз жиноят ва жиноий-процессуал мажмуалар бандларини ўзларининг исмларидек ёд олишган. Инсон тақдирини билан боғлиқ иш юритилгач бошқача бўлиш мумкин эмас-да. Бироқ кейинги вақтларда ўзгаришу қўшимчалар киритиллавериб одамни гангитадиган бўлган. Мана, (Жиноят мажмуаси китобини олиб варақлаб, ёпиштирилган қоғозларни кўрсатишга тушди) китобга қаранг, баъзи бир моддасининг ямоғи қирқтага яқинлашган. Аслида ўзгариш ўз вақтида киритила борилгани яхши-ю, жуда ҳам кўпайиб кетди, дейман-да. Бир бора янгисини чиқариш фурсати ҳам аллақачон етган кўринади.

— Янгилашганда бошқача таъйирланишининг тарафдоримисиз?

— Йўқ албатта. Бор нарсдан бутунлай воз кечиб бўладими? Кераклигини олган, ўзлаштирган ҳолда тайёрлангани маъқул. Энг муҳими, мажмуалар асосида иш юритиладиганларда эрта-индин янгиладигани, деган тушунча, ҳафсаласизликларга ўрин қолмасди. Ҳеч бўлмаганда китобнинг ўзи қайта чоп этирилса ҳам ёмон бўлмасди.

— Албатта, бу мажмуаларнинг лойиҳаси тайёрланган, кенг омма эътиборига ҳавола этилар, фикр-мулоҳаза билдиришнинг мавриди келар. Шундай бўлсада айтинг-чи, шахсан ўзингиз қайси масалани назардан четда қолган, деб ҳисоблайсиз?

— Дабдурустдан аниқ фикр билдиришим қийин. Иш жараёнида ўйлангиларини эса кўп. Шулардан бири сифатида кейинги вақтларда ўғрилиқ жуда кўпайган. Давлат ва фуқароларнинг мол-мулкни ўғирлаганлар қилган жиноятларига яраша жазоларни олишга оладилар, улардан топилган буюмлар, пул мусодара қилиниб, эгаларига қайтарилади. Лекин, «туя» қилинганлари, топилмаганлари-чи? Жиноятчи қўлга олинган бўлсада, жабранувчилар ўғирланган мол-мулкдан бенасиб қолаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Тўғри, жиноят мажмуасининг баъзи бир модда, бандларида зарарни жиноятчидан ундириш лозимлиги билдирилган. Аммо ундан ундириб бўлмас-чи? Айтайлик, юриш-туришининг тайини йўқ, текин топган, ўғирланган бойлиқни соҳурадиганларни мусодара қилинадиган нарсасининг ҳам тайини бўлмайди. Ёинки ундириш учун оладиган маоши ва бошқа пулидан ушланиб қолади,

«Адолатпешалар сафидалигимдан мамнунман»

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция майори А. О. Шарофидинов билан мулоқот



дейлик. Озодликдан маҳрум этилганлар муддатини ўтаётган даврда аксариятнинг ишлаб топгани еган-ичганига етмаслиги, е ушлаб қолиш билан юздан бири ҳам унмаслиги мумкин.

Энди ишимизга бевосита тааллуқли бўлган ва самарали юритилишига бирмунча тўғаноқ бўладиган мисоллардан бири: қоғозбозликнинг кўплигидир. Фақат тўғри тушунинг, мен буни енгиллик истаб айтаётганим йўқ. Лозим бўлганда қанча кўп ҳужжат тўпланса ва езишмалар узоқ давом этса ҳам арзийди. Аммо баъзи ҳолларда расмиётчилик учунгина кераксиз ҳужжатларни йиғиш ҳам анча вақтни оляпти. Ҳатто ўғрилиқ устида қўлга олинган, етарли гувоҳлар бўлган ва жиноятчининг ўзи тан олиб турган ишни судга оширишимиз учун ҳам 50-60 варақли ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаб, судга топширишимизга тўғри келаяпти.

— Тергов ишларингизда нималардан кўнглингиз тўлмаяпти? Қандай тўсиқ ва муаммоларга дуч келясизлар?

— Баъзи бир жиноий ишни миллий ҳавфсизлик хизмати, прокуратура ходимлари билан биргаликда тергов қилишга тўғри келади. Бу балки бир томондан яхшидир, аммо жиноий ишни очиш катта изланишни, ижодий ёндашшни талаб этади. Унинг бир қисмини биров қилиб, бошқа бири давом эттириши ҳамма вақт ҳам кўзлаган натижани беравермайди. Бир уста, бошқа бир устанинг бошлаган ишини ниҳоясига етказишни истамаслигини сабаби, ҳамкасбига ҳасадидан эмас, ўзи ўйлагандек маҳоратини кўрсата олмагани, ўз меҳнати ўзини қониқтира олмаганлигиданлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бизда ҳам худди шундай.

— Милиция ходимларига нисбатан гайриқонуний ҳатти-ҳаракат содир этилса, ундай жиноий ишнинг терговини

прокуратура олиб боради дейишади.

— Ҳозир ўзим ҳам шунга боғлиқ масала тўғрисида гапирмоқчи бўлгандим. Умуман олганда милиция ходими биров бўлсада милиция ходимига ён босмаслиги учун терговни прокуратура олиб боргани ва ҳукми суд чиқаргани жуда маъқул. Бироқ тергов ишларини юритаётган ходимларимиз узоқ давом этган машаққатли меҳнатларига яқун ясайман деб турганларида қандайдир уларга нисбатан кичик қаршилик рўй берган бўлса жиноий ишни прокуратурага оширишга тўғри келади. Мана яқинда ҳам шундай воқеа бўлди. Узоқ елиб-югурган ходимларимиз кўраётган жиноий ишини ниҳоясига етказиш учун керакли ҳужжатларни тўплаганди. Тергов даврида маълум бўлишича қонунбузарларни қўлга олиш вақтида у кроватнинг тагига беркиниб олибди. «Чик»,—деб қанча айтса ҳам, чиқмасмиш. Милиционер келиб қўлидан тортаётган экан, унинг бармоғини тишлаб олибди. Фақат шу — бармоғини тишлагани, яъни милиция ходимига қаршилик кўрсатгани учунгина жиноят иши қонун бўйича прокуратура идораларига оширилиши лозим.

— Тергов ишлари ва ҳужжат тўплашлар осон кечавермаслигини ҳис этиб турибман. Ўзининг қилган ишини босма бировнинг номига ўтишини хуш кўрадиганлар бўлмас. Шунинг учун ҳозир таърифлаб ўтган мисолларга ўхшаш ҳодисаларни яширадиган ходимларингиз ҳам бўлса керак?

— Бўлса бордир. Сизнинг айтганларингиз ҳам тўғри, лекин қонун ҳаммасидан устун туради. Ўз касбига меҳр қўйган қонунчилар ҳеч қачон унга хилоф иш юритмайдилар.

— Сизлар тергов қилаётган айбланувчиларнинг ҳимояси қандай кечади? Уларни адвокатлар билан таъминлаш қандай? Бу ҳам терговчининг

вазифасига кирадими?

— Биз қонун бўйича бир кун ичида қонунбузарларни ҳимоячи билан таъминлашимиз шарт. Аммо бу ҳам муаммоларимиз устига муаммо туғдираяпти. Улардан ҳимоячи тополгани ўзи топади, тополмаганига биз қидирамиз. Жуда бўлмаса адвокатлар ҳайъатининг президиумига чиқамиз. Бир адвокатнинг бир кунлик хизматига давлат ҳисобидан беш-олти юз сўм тўлаб бўлсада, тергов қилган одамимизни ҳимоя қилдиришга мажбурмиз. Чунки қонун қонунда. Унга амал қилмасликка, қонунбузарларни ҳимоячисиз жазага тортиш, ҳукм чиқартиришга ҳаққимиз йўқ.

— Жиноят-қидирув хизматидиганларнинг иши билан юритаётган ишларингизда ўхшашлик кўп. Бунинг устига улар қидириб топган, қўлга олган жиноятчиларни сизлар тергов қиласизлар. Ўзаро ҳамкорлик қандай?

— Яхшиликка яхши-ю, янада яхшилаш йўлларини қидиришимиз керак. Тергов ишларининг осон кечиши, улар қўлга олган қонунбузарларни қай вақтда ва қай ҳолда ушланганига ҳам кўп нарса боғлиқ. Шахсан ўзим қидирув ходимлари билан бирга ҳамкорликда ишлаганимда мис узукни тилла ўрнида сотиб юрган бир шахсни қўлга олмоқчи эдилар. Унинг ёнида шундай узукдан учта борлиги тахмин қилинаётганди. Мен уни йўлда қўлга олсам, жиноятини бўйнига қўйишимиз ва шерикларини топишимиз оғир кечишини билдириб, қўлга олишни кечиктиришни таклиф этдим. Жиноят-қидирув ходимлари розилик билдиришди. Биргаликда кузатишга тушдик. Натижа ёмон бўлмади, ўша шахс бошқа бир ҳамтовогининг уйдан шундай узуклардан яна 10 тасини чўнтагига солиб чиқаётганида ушланди. Ўша уйдан узук тайёрлайдиган мосламалар ҳам олинди.

Улардан арзонроқ нарҳда олиб, кимматига сотаётган дўкон сотувчилари ҳам қўлга олинди.

— Ўтган йилги ишларингизнинг натижалари сизни қониқтирадими? Жорий йилда нималарга кўпроқ эътиборни қаратайсиз?

— 1992 йил мобайнида фақатгина бошқармаимизда жиноят-қидирув ишларига оид жиноятларни тергов қилишга ихтисослашган бўлишимизда фаолият кўрсатаётган 35 нафар терговчимизнинг ўзи 1214 жиноий ишни тергов қилиб, шулардан 570 тасини судга оширишди. Бу ишлар билан 800 га яқин шахс жавобгарликка тортилиб, улар томонидан 1494 та ҳар хил жиноятлар содир қилинганлиги фош этилди. Бу, албатта, катта иш. Аммо амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

— Раҳбарларнинг доимий иш жойида топилиши қийин бўлгани ва эрталаб минг бир ташвишдан фориғ бўлиб, сергаккина суҳбат юрилиши боисдан ҳам бу кун иш бошлашингиз билан қабулингизда бўлгандим. Кеч соат етти яримда келишимни айтганингиз биров эриш ту-юлганди. Мана энди бунинг сабабини тушуниб турибман. Соат 10 дан ошган бўлсада олдингизга кириб чиқаётганларни, телефон қилаётганларни кети узилмаёпти. Жиноят-қидирувчилар, терговчилар туннинг ярмигача ишлаши ва иш жойларида ухлаб ҳам қолишлари тўғрисида эшитганларим ростми, дейман.

— Шунаси ҳам бўлиб туради. Аслида милиция хизматиде ишлайдиганлар қаерда бўлмасин, ҳушёр туришлари, адолатсизликларга қарши курашиб яшашлари лозим. Шахсан бизнинг бошқармадаги тергов ходимлари тўғрисида гап кетадиган бўлса, кеч кетишини талаб қилаётганимиз йўқ. Терговчиларда эркинлик бўлганда маъқул. Шахсан менга қолса, ишдаги интизомни ҳам қилинган иш самарасига қараб белгилайман.

— Терговчиликни танлаганингизга афсусланган вақтингиз бўлганми?

— Йўқ. Ҳар кимнинг табиати ҳар хил, шахсан мен қилинган ишни ўйлаб, афсус-надоматлар чекишдан йироқман. Бўладиганнинг бўлгани маъқул. Ҳар кимга насиб этгани бўлади, қолаверса оқни оққа, қорани қорага ажратадиган ҳақиқат, адолатпешалар сафида бўлганимдан мамнунман.

Суҳбатдош Абдурахим ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳининг ходими, ички хизмат лейтенанти.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

КЎЗИНИ КИМГА ИШОНИШДИ?

Республикамиз олтинга бой. Бу ер ости бойлигимиз келажакимиз фаровонлигининг ишончли манбаидир. Бироқ қазилма бойликларни қайта тиклаш корхоналарида ишончсиз кимсаларнинг ҳам борлиги ачинарлидир.

Яқинда шундай цехларнинг бирида ишловчи 26 ёшли Пирматов 31 грамм тилла ва 8,5 грамм кумуш олиб чиқиб кетаётганида қўлга тушди. Шуниси ачинарлики, бу аёл шу ердаги назорат комиссиясининг аъзоси экан.

ОМАДСИЗ

Меҳнат қилиб яшашни хоҳламаган кўпчилик ки-шиланинг фикри-зикри пул топишининг осон йўлини қидиришда бўлади. Шундайлардан бири Сирғали туманидаги 2-сон дўконга бостириб кириб, сотувчига пичоқ ўқталиб, пул талаб қила бошлади. Рад жавобини олгач эса сотувчининг бўйнига жароҳат етказиб, жиноят жойидан яширинмоқчи бўлди.

ИИБнинг тезкор ходимлари томонидан қароқчилиги учун 38 ёшли Ибрагимов ҳибсга олинди. Қўлга олиш вақтида ундан пичоқ тортиб олинди. Сотувчига эса тиббий ёрдам кўрсатилди.

ҚЎЛГА ТУШДИ

Тошкент вилоятидаги Чирчиқ шаҳрида жиноят-қидирув бўлими ходимлари ўз маҳоратларини яна бир бор кўрсатдилар. Улар давлат ҳамда шахсий мулкни ўғирлаб келган уюшган бир гуруҳни аниқлаб, қўлга олдилар. Тергов давомида улар томонидан содир этилган 11 та жиноят аниқланиб, улар бўйича далилий ашёлар тортиб олинди.

Ўзининг жиноий ишлари билан Чирчиқ шаҳри аҳолиси тинчини бузаётган бу гуруҳ 4 кишидан иборат бўлиб, уларни Кузнецов шарифли шахс

бошқарар экан.

Тергов давомида уларнинг яна бир қанча қабих ишлари исботланмоқда.

ИШТАҲА КАРНАЙ

«Юсуф» кичик корхонасининг директори Тоғаев Қашқадарё вилоятидаги Шаҳрисабз ёғ-мой комбинати ҳудудидан 2 миллион сўмликдан зиёд, 10 тонна юқори сифатли ўсимлик ёғи олиб чиқиб кетади. Бироқ ИЖК ходимлари унинг ҳайлаларини очиб ташладилар. Ўғирланган ёғ бус-бутунлигича комбинатга қайтарилиб, айбдорга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

МУАЛЛИМЛАР НИМА БИЛАН

БАНД?

Зомин тоғлари... Бу ерларда охириги бўрини кўришганига ҳам айтарлиқ кўп вақт ўтгани йўқ. Бироқ Зоминда яна бир бўри пайдо бўлипти, дейишса, чорвадорлар энди бу гапга ишонмайди. Чунки қабих ишлари билан оч йиртқиқларга ўхшаб кетадиган қўй ва мол ўғрилари гуруҳи яқиндагина қўлга олинди.

Республикамизда кейинги кунларда олиб бориладиган кенг қамровли тадбирлар натижасида бундай жиноий гуруҳлар кўплаб зарарсизлантирилмоқда. Аммо юқоридаги гуруҳ таркиби жиҳатдан гайри оддийдир. Ҳибсга олинганларнинг орасида ўрта мактаб директорининг ўринбосари Омонов ва ўқитувчи Алибековлар ҳам бор.

Текширув жараёнида улардан 57 та қўй-қўзи ва битта сигир тортиб олинди.

А. ҲАКИМОВ, Республика ИИБ матбуот маркази ходими.

МАШИНАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Фарғона вилояти ҳокимлиги биноси ёнида ички ишлар ва Миллий ҳавфсизлик хизмати бошқармалари ходимлари сафланишди.

Тантанали йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини, Ўзбекистон халқ ноиб Авазхон Мухторов очди.

Ички ишлар ходимларининг сай-ҳаракатлари туфайли ўтган йил охирида вилоятнинг Қўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари ва айрим туманларида 67 нафар кишини бирлаштирган 16 та уюшган жиноятчи гуруҳлар қўлга олинди. Қўқон шаҳрида ўта хавфли иккита гуруҳнинг барча аъзолари ушланди. Бу каби жиноятчи гуруҳлардан жами 55 миллион сўмлик мол-мулк мусодара қилинди. Улар томонидан турли жиноий йўллар билан қўлга киритилган 40 та енгил автомашина топилди. Бундан воқиф бўлган меҳнаткаш омманинг кўнгли таскин топа бошлади. Кишилардан осойишталикка, тинч-тотувликка ишонч пайдо бўлди, Энг муҳими, улар энди милицияга ишониб, чексиз миннатдорчилик туйғулариин нзҳор этмоқдалар.

Фарғона вилоятининг энг

забардаст меҳнат жамоалари — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси 1992 йилда кўрган соф фойдалари ҳисобидан Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 20 дона «Тика-РМ» енгил автомашинаси сотиб олиб, осойишталик посбонларига ҳадя қилдилар.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бош директори, техника фанлари номзоди Шамсиддин Сайдахмедов вилоятда тинчликни барқарорлаштириш учун бундан кейин ҳам қўлдан келган ёрдамни беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири муовини, ички хизмат полковниги И. Т. Мамадалиев Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов ташаббуси билан ИИБга замонавий транспорт ажратилгани учун вазирилик ҳайъати номидан миннатдорчилик билдирди.

Фарғона вилояти ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиб М. Исломов мусиқа садолари остида янги машиналар калитини топширди.

Абдуҳаким АҲМЕДОВ, Фарғона шаҳар ҳокимлиги маъмурияти комиссияси аъзоси.

ДУШАНБА

26 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим". 18.40 "Кўкнинг латиф ёдгорликлари". Телефильм. 18.50 "Янгиланиш йўлидан". Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида техника тараққиёти. 19.20 "Хамкорлик ристалари". "Ўрта Осиё транс" фирмаси ҳақида. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Қонун амалда". Телевизион киножурнал. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировни ёд этиб...". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Театр уршувлари". Йўлдош Охунбоев номидаги Еш томошабинлар театрининг "Асорат" спектакли ҳақида. 22.10 "Ғалабадан сўнги жанг". Бадий фильм. 1-серия. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. "Совга". 19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Озодалик — саломатлик гарови". Шаҳар санитария эпидемиология маркази ходимлари билан бевосита мулоқот. 20.30 "Лаҳза". Хабарлар. 20.45 Бизнинг суҳбат. 21.05 "Миришкорлар". 21.35 "Лаҳза". Хабарлар. 21.50 "Аёллар салтанати". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 "Яқунлар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 8.40 Мультифильм. 8.55 "Марафон-15". 9.45 "Исмингиз маъноси нимани аңглатади?". Мабрифий-дам олиш кўрсатуви. 11.00 Янгиликлар. 11.20 "Тол".

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм. 15.30 Болалар телевидениеси уюшмаси. "Шон-шухратни истайман" (Таллин). 16.00 "Сир-асрордан ҳоли атом энергетикаси...". Телефильм премьераси (Киев). 16.20 "Иқболи курганда". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Технодром". 17.35 "Гол". 18.10 "Ҳафтанинг акс садоси". 18.45 "Сергийга ибодат". Хроникал-хужжатли телефильм премьераси. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал премьераси. 12-серия. 20.55 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништилади. 21.10 "Бомонд". 21.50 "Вазият". 22.20 Ассалому алайкум. 22.30 "АТВ-брокер". 22.45 "Монтаж". 23.40 "Джем-сейшн". Вивальди оркестри. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонги концерт. 8.10 "Мутлақо махфий". 9.05 "Хулқатвор". 9.35 Мульти-пульти. 9.50 "Паровоздан олинди". 10.10 Ишдан бўш пайтингизда. "Мушуклар овуноқларимиз". 10.25 Хонаки экран. "Қаҳрамон учун кўзгу". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.40 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.05 Кундузги сеанс. "Мафтункор лаҳзалар". Бадий фильм. 14.30 "Американинг ёввойи табияти". Кўп серияли телефильм премьераси (АҚШ). 15.00 Янгиликлар. 15.15 "Мегаполис". 15.45 Трансроссэфир. "Саховат кўрсат". 16.30 "Чернобыль... фожа давом этмокда..."

* * *

17.00—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Ўғри бекнамачоқ ўйнапти". Бадий фильм. "Криминал ходисалар" туркумидан (АҚШ). 20.25 Спорт кўрсатуви. 20.30 Катталар учун мультифильм. 20.45 "Танаффус".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Телеэкранда —



премьера. "Барбод бўлди". Бадий фильм. 23.00 "Ксюша хузурда".

СЕШАНБА

27 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Боглар кўрки". "Тоғ кўлларининг сирини". Телефильмлар. 8.00 "Зудов", ишдан бўшатилдингиз". Бадий фильм. 9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 9.50 "Машрабни куйлаб...". Фильм-концерт. 10.30 Укув кўрсатуви. Физика ва илмий техника тараққиёти. 11.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.30 Укув кўрсатуви. Математика. Такрорлаш машқлари. 12.00 Хор куйларидан концерт.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Республика кўчирок театрида учрашув. 18.50 "Эртанги кунга ишонч". Тошкент шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш. 2-кўрсатув. 19.20 "Спортлото". 19.20 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Куй ва соз соҳибини". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Рақслар гулдастаси". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мулоҳаза". Ўзбекистон бастакорларининг Х анжумани олдидан. 22.30 "Шаҳар бедарвоза эмас...". 23.10 "Ғалабадан сўнги жанг". Бадий фильм. 2-серия. 00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Бухоро қорақўли". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Бумеранг". Экология кундалик. 20.30 "Муסיқали меҳмонхона". 21.10 "Алоқалар ва шартномалар". 21.40 "Суперспорт". 22.40 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 21.55 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 "Домисолька". 8.35 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.25 Болалар телевидениеси уюшмаси. "Шон-шухратни истайман" (Таллин). 9.55 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Оқ куюн" кўрсатувини таништилади (Тошкент). 10.20 "Горячев ва бошқалар". Бадий телесериал. 12-серия. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Француз тили дарслари". Телевизион бадий фильм. 12.40 "Ох, водевиль, водевиль". Телевизион бадий фильм. 13.45 Мультифильм.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Адам Смит бойлиги дунёси". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм. 15.30 "Ягона дунё". 16.00 "Истеъодлар ва муҳлислар". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Интерпол МДХ учун" кўрсатувини таништилади. 17.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.40 "Миниатюра". 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.25 "Героин йўли". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси (Англия). 1-серия. 21.25 "Муסיқа шинавандасига совга". "Скрипкачилар". 22.00 Янгиликлар. 22.35 "Мулкдор алифбоси". 22.45 "Матбуот-экспресс". 22.55 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Германиядан олиб

кўрсатилди.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 "Юлдузлар ёғилганда". 8.55 "К-2" таништилади. "Абзац". 9.50 "Вилоятда конверсия". 10.20 Хонаки экран. "Аждаҳони ўлдириш". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.20 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 12.45 "Жаноблар-ўртоқлар".

14.05 "Телебиржа". 14.35 Янгиликлар. 14.50 "Рост" студияси. "Пеппи". "Гонг" кўчирок театрининг спектакли. 1-қисм. 15.20 Трансроссэфир. "Поволжье". 16.05 "Околесица" кабареси.

* * *

17.00—19.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 159-серия. 20.30 "Сизнинг ҳуқуқингиз". 20.45 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Асил ҳолича". 22.25 Спорт кўрсатуви.

ЧОРШАНБА

28 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Боболардан қолган бу наво". Фильм-концерт. 8.00 "Барча постлар диққатига". Бадий фильм. 9.15 Турк тили. 9.45 "Кичкинтой"та мактублар. 10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Шоирлар — болаларга". 18.40 "Табиаат ҳимоясида". 19.05 "Солиқ инспекцияси фаолиятдан". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Дала юмушлари". 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Дўстларимиз санъати". Хўжанд вилояти муסיқий театрининг яккахон хонандаси Шухрат Давлатов. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Миллий муסיқамиз равнақи". 22.10 "Жумҳурият газеталарининг шарҳи". 22.20 "Азлти, эркаларга суйкалма". Бадий фильм. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Фан ҳақида суҳбат". 19.10 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 20.50 "Ишбилармонлар". 21.30 "О2" тўлқинида. 21.50 Ретро услубида концерт.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 Мультифильм. 8.40 "Джем". 9.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 3-давр. 9.50 "Володарскийдаги дангиллама уй". 10.10 "Хайвонот оламида" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Тунги кўчирок". Телевизион бадий фильм. 12.20 "Око" студияси таништилади: "Дарбадар ўғил". Сергей Прокофьевнинг ҳаёти ва ижоди". Бадий-публицистик фильм премьераси (Англия, Россия, Германия, Франция биргаликдаги маҳсулот).

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм. 15.30 "Джем". 16.00 "Парвоздаги уй". Кўп серияли

мультифильм премьераси (АҚШ). 8-серия. 16.30 "Нафақахўрнинг ҳаёти". Россияда ва Финляндияда ижтимоий таъминот. 16.50 "Технодром". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништилади: "Таниш нотанишлар". 17.50 Мультифильм. 18.00 "Зайнаб Бишшева. Уйлар". Хужжатли фильм. 18.35 Россия халқ артисти Людмила Рюминанинг ижодий кечаси. 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 "Героин йўли". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 21.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Россия-Венгрия терма командалари. В.И.Ленин номи Марказий стадиондан кўрсатилди. 23.00 Янгиликлар. 23.40 "Ҳеч нарса ҳақида репортаж". 23.55 "Видеодром". 00.25 "L-клуб". 01.10 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Тонги концерт. 8.10 "Соло". Балетмейстер Николай Боярчиков. 8.55 Мульти-пульти. 9.10 "Урал варианты". 9.55 "Асил ҳолича". 10.50 Ишдан бўш пайтингизда. "Хонаки клуб". 11.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 159-серия. 11.55 "Параллеллар". 12.10 "Ксюша хузурда". 12.40 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.05 "О3" кўрсатуви. 13.35 Кино музейи. "Мэри Пикфорднинг бўсаси". Бадий фильм. 14.55 "Сигнал". 15.10 Янгиликлар. 15.25 "Рост" студияси. "Пеппи". 2-қисм. 15.55 Трансроссэфир. "Узоқ Шарк". 16.40 "Катта давра".

* * *

17.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 160-серия. 20.15 Парламент хабарномаси. 20.30 "Ўз-ўзига режиссёр".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Криминал хабарлар экрани. 21.40 Спорт кўрсатуви. 21.45 "Бизнес ва сиёсат". 22.40 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 22.55 "Танаффус". 23.05 Баскетбол шарҳи.

ПАЙШАНБА

29 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Нарпай лавҳалари". 8.05 "Соҳил". Бадий фильм. 1-серия. 9.10 Араб тили. 9.40 "Санъат гунчалари". Глизр номи муסיқа мактаб-интернати ўқувчиларининг кишиши. 10.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Ўзбекистон маҳжияси" (такрор). 18.50 "Назорат ойнаси". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 Муסיқий дақиқалар. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Тила эътибор". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Анвар Исроилов лирикаси". Муסיқий кўрсатув. 22.10 "Хотира". Гафур Гулом таваллудининг 90 йиллиги олдидан. 22.45 "Инсон ва замин". Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон деҳқонларининг ҳамкорлиги. 23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Муסיқий дақиқалар". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Бойсунда қор эриганда". Телефильм. 20.30 "Пульс". Хабарлар. 20.45 "Бу оқшомда". 21.55 "Пульс". Хабарлар. 22.10 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгиликлар. 8.20 Мультифильм. 8.35 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 Футбол. Жаҳон

чемпионатининг саралаш матчи. Россия-Венгрия терма командалари. 2-тайм. 10.10 Хоккей. Жаҳон чемпионати 1/4 финал. 3-давр. 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 "Гусарнинг унаштирилиши". Телевизион бадий фильм. 12.30 "Оққуш кўшиги". Қисқа метражли телевизион бадий фильм. 12.55 "Око" студияси таништилади: "Пашшалар ҳоқими". Хужжатли фильм премьераси ("Қозоқфильм"). 13.50 Мультифильм.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 Мультифильм премьераси. 15.20 "Тожи тупроғида баҳор". 15.50 "Бахтли бўлинг, сизни севадилар. 16.20 "Сиз бунга қодирсиз". 17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.15 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 "Рус олами". 19.40 Хайри тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 "Героин йўли". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 21.15 "Ўлдилар бахти". Телефильм. 22.05 "Эфирда муסיқа". 1-қисм. 23.00 Янгиликлар. 23.40 "Эфирда муסיқа". 2-қисм. 00.40 "Матбуот-экспресс". 00.50 Футбол. "Ўэмбли сари йўл".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 "Параллеллар". 8.10 Мульти-пульти. 8.20 "Давр ва шахс". 9.05 "Ўз-ўзига режиссёр". 9.35 "Экзотика". 10.35 "Бола тилидан". 11.05 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 160-серия. 11.55 "Пилгрим". Россия саяҳатлар бюроси. 12.35 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.00 Кундузги сеанс. "Ўзун сочли гўзал Варвара". Бадий фильм. 14.25 Катталар учун мультифильм. 14.35 "Алгоритмлар". 15.05 Янгиликлар. 15.20 "Мансаб алифбоси". 15.35 Трансроссэфир. "Суратга чизилар". 16.20 Джаз куйларидан концерт.

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 161-серия. 20.40 "Мағлубиятсиз ўйин".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Осойишта уй". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Криминал хабарлар экрани. 22.45 "Осойишта уй" (давоми).

ЖУМА

30 АПРЕЛЬ

ЎзТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Қўшиқ сеҳри". Эркатош Шукрова шеърлари билан айтадиланган кўшиқлар. 8.05 "Соҳил". Бадий фильм. 2-серия. 9.15 "Ешлик" студияси. "Истеъодларни излаймиз". 9.55 "Ўзбекистон спорти". 10.25 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.55 "Оналар мактаби".

* * *

Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 "Эъвоз". Яққабог пахта тозалаш заводи. 18.30 "Ешлик" студияси. "Бевосита мулоқот". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Мусаввир". Телефильм. 20.10 "Оқшом эртаклари". 20.25 "Сизга бир армон бўлай..." Озода Мадрохимова куйлайди. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Мактуб — кўнгли ойнаси". 22.10 "Маҳалла — тарбия маскани". Республика "Маҳалла" жамгармаси ҳамда Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани "Исломобод" маданият марказида биргаликда ўтказган сиёсий-маданий тадбирга бағишланади. 23.00 "Келинлар кўзголони". Бадий фильм. 00.25

Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.30 Хабарлар (рус тилида).
18.40 "Экономикалик баяндама".
18.55 "Киргиз кочу". Бадий-публицистик видеоканал. 19.55 Хитой куйларидан концерт. 20.25 "Назар" (билдирувлар, эълонлар). 21.00 "Шерине". 22.00 "Киргизтелефильм" — 25 ешда. "Муке". Телефильм.

"ОРБИТА IV"
4.55, 14.20, 22.55 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгликлар. 8.20 Мультфильмлар. 8.50 Болалар учун фильм. "Руди меҳмонда". 9.50 "... 16 ешгача ва ундан катталар". 10.30 "Северние голоса" ансамбли ижро этади (Мирный шаҳри). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгликлар. 11.20 "Саёҳатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). Театр шинавандалари, Сизлар учун! 12.10 "Эдит Пиаф". Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.

14.00 Янгликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 "Ён дафтар". 15.10 Болалар учун фильм. "Руди меҳмонда". 16.10 "Иш". 16.20 "Ўзгариш". "Илхом манбалари" кўрсатувида меҳмонда. 16.50 "Рус кошони". Телефильм. 17.00 Янгликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Ф.Шопен. Фортепиано ва оркестр учун. 2-концерт. Фамажор. 18.10 "Хам кулдиради, хам куйдиради". А. Арканов. 19.00 "Муъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгликлар. 20.20 "Хафтанинг машҳур киши". 20.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Германиядан кўрсатилади. 22.35 "Забт этиш". Телефильм. 22.45 "Матбуот-экспресс". 23.00 Янгликлар.

"ВИД" таништиради:
23.35 "Сиесий бюро". 00.10 "Музобоз". 00.05 "Авто-шоу". 01.05 "X" программаси. 01.45 "Хит-конвейер".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 Мульт-пульт. 8.05 "Андишаларга бормай". 9.00 "Тилла шара". 9.25 "Осойишта уй". 10.20 "Комтек-93". 10.40 Ишдан бўш пайтингизда. "ТВ-ателье". 10.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 161-серия. 11.45 Театр сафари. "Болалар ҳокимияти". 12.40 "Деҳқонларга тааллуқли масала". 13.05 "Ижица". 13.35 "Омад кулиб боқканда". 14.40 "Телебиржа". 15.10 Янгликлар. 15.25 "Рост" студияси. "Кенгуру". 15.55 "Минора". 16.10 Жума куни Дисней. "Ер сайёрасига юборилган". Бадий фильм. 8-серия.

17.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.25 Телеэкранда — премьер. "Имитатор". Бадий фильм.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.00 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Россия телевидениеси театрида премьер. Б. Метальников. "Ички душман". 23.15 "К-2" таништиради. 00.35 Спорт кўрсатуви

ШАНБА
1 МАЙ
ЎзТВ I
7.00 "Ассалому-алайкум."

8.00 "Бембининг болалиги". Бадий фильм. 9.15 Болалар учун. "Жажжигина юраккинам". Видеофильм. 10.05 "Бембининг ёшлиги". Бадий фильм. 11.10 "Кардошлик тароналари". 12.10 "Аёл кадр". Андижон вилояти хотин-кизлар фаолиятдан. 12.50 "Ёшлик" студияси. "Газалхон ёшлигим". 13.45 Болалар учун. "Кувнок шаҳарча".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Эртактлар — яхшиликка етклар". 18.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи". 19.30 "Ўзбекистон ахбороти" (рус тилида). 19.50 Дунё воқеалари. 20.10

"Зарафшон" ашула ва рақс фольклор ансамблининг янги дастури. 21.00 "Туркистон" ахбороти. 21.30 "Адиб табассуми". Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уткир Хошимов. 22.15 "Жумҳурият газеталарининг шарҳи". 22.25 "Сўлим мавсум". Бадий фильм. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
"ОРБИТА IV"

6.40, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 "Матбуот-экспресс". 6.55 Янгликлар. 7.30 Мультфильм. 8.00 "Хамма циркни севади". Екатеринбургдан кўрсатилади. 8.40 "Золушка хузурида зиефатда". 9.40 Телеэкранда биринчи марта. "Урушни тўхтатган кучук". Бадий фильм. (Канада).

11.05 Совет эртактлари. 11.35 "Шекспириада" мультсериали премьераси. 1-фильм — "Гамлет". 12.05 "Эстрада юлдузлари бугун ва эртага". 13.30 "КТВ-1" ва "Франс интернациональ" канали таништиради. "Шахзода ва сув париси". Кўп серияли мультфильм. премьераси (Франция). 14.00 Янгликлар. 14.25 Ўзбекистонда қолган фильмлар. "Йўлбарсларни ўргатувчи". Бадий фильм ("Ленфильм". 1954 й.). 16.15 "Кизил квадрат". 16.55 "Бахтли тасодиф". Телевикторина. 17.55 "Даврани кенгрок олинг". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгликлар. 20.25 "Матбуот-экспресс". 20.40 "КВН". 22.35 "Рақслар, рақслар, рақслар". "Россия-92" III халқаро турнири. Танаффус пайтида (23.00) — Янгликлар.

Охириги киносеанс
23.55 Телеэкранда биринчи марта. "Ленинград, ноябрь". Бадий фильм. ("Ленфильм", ГФР).
"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.20 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 7.50 "Инқилоб майдони". 3 пардали драма. Хужжатли фильм премьераси. 9.25 "Кузирхоним".

9.55 — 12.55
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО
ТЕЛЕКАНАЛИ
1. "Баҳорги вернисаж". 2. "Безнен мирас" (татар тилида) 3. "Умид" (уйгур тилида). 4. "Чисен" (корейс тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
12.55 Биз севган комедиялар. "Менга шикоят дафтари бери". Бадий фильм. 14.20 "XX аср кадрда ва кадр ортида". 14.50 XX аср кизикчилари. Бастер Китон. Кўрсатуви Э. Рязанов олиб боради. 16.00 "Репортер".

16.15 — 17.25
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО
ТЕЛЕКАНАЛИ
Шарқ тароналари.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
17.25 Телеэкранда — премьер. "Мадо, талаб қилиб олингунча". Бадий фильм. 19.15 "Чегарасиз футбол".

20.10 — 21.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
21.35 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Ярим финал. Мюнхендан олиб кўрсатилади.

ЯҚШАНБА
2 МАЙ
ЎзТВ I
7.00 Телефильм. 7.20 "Муножот".

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевидени бадий видеофильм (Хиндистон). 13 — 14 сериялар. 10.00 "Билиб қўйган яхши". 10.15 "Ёшлик" студияси. "Кизлар давраси". 11.15 "Фильм-93". Америка киносанъати. 11.50 "Севги куйчиси". Монас Левиев ижоди. 12.40 Тижорат канали. "Каррера" Ўзбекистонда. 13.00 Гафур Гулом таваллудининг 90 йиллиги олдидан. "Мен халқимнинг овози". Адабий кўрсатув. 13.40 "Тарбия — келажак меваси".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Булбулча" жамоаси раққосларининг концерти. 18.40 "Шоҳ Султон ҳақида эртақ". Мультфильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.55 Бир асар тарихи. Пиримкул Қодиров.

"Авлодлар довои". 20.35 Лирик концерт. 21.00 "Хафтаном". 21.35 Ойнаи жаҳонда. 21.50 ЎзТВ хазинасидан. "Назм ва наво". Увайсий лирикаси. 23.15 Ретро. "Сурайе". Бадий фильм. 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.50 "Куйручук". "Жани маалиматтар". 19.10 "Журугум — ир туногу". Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Саламат Содиков куйлайди. 19.45 "Тил достукка данакер". 20.30 Хабарлар. 21.00 "Келин-куёвлар учун соябон". Бадий фильм (рус тилида).

"ОРБИТА IV"
5.50, 7.30, 14.15, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби.

5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгликлар. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 "Спортлото" тиражи. 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта сахарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнгиси". Кўп серияли мультфильм премьераси. 9.00 "Хамма уйдалигида". Дам олиш кўрсатуви. 9.30 Телеэкранда биринчи марта. "Нажот киргоги". Бадий фильм. I-серия ("Мир" кинофирмаси КХДР билан биргаликда маҳсулоти). 10.35 "Тонг юлдузи". 11.25 "Шекспириада" мультсериали премьераси. 2-фильм — "Ромео ва Жульетта". 11.55. "Голливуд орзулари". Хужжатли фильм премьераси.

"КТВ-1" ва "Франс" интернациональ канали таништиради:
13.00 Пиф ва Геркулес". Кўп серияли мультфильм премьераси. 13.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

14.00 Янгликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 "Қадимий рус оркестри". 14.50 "Панорама". Хафталик халқаро кўрсатув. 15.30 Мультфильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 16.25 "Осойишталик". Олти серияли телевидени бадий фильм премьераси (Свердловск киностудияси). I-серия. 17.45 Янгликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал. Германиядан олиб кўрсатилади. 20.35 "Мусиқий мозаика". 20.55 Эълонлар.

21.00 "Яқунлар". 21.45 "Фермер-92". Кантру ва фольк мусика халқаро фестивали. 22.45 Катталар учун мультфильм. 23.00 Янгликлар. 23.20 "Хат-мастер" "50x50".

"ДУБЛЬ IV"
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
7.20 "Қарама-қаршиликлар". 8.00 "Рост" студияси. "Азамат йигитлар". 8.30 Мульт-пульт. 8.50 "Гап-гаштакларни қўсаб". 9.20 Санкт-Петербург балети. П. И. Чайковский. "Шчелкунчик". Мариинск театрининг спектакли.

10.35 — 14.50
"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО
ТЕЛЕКАНАЛИ
1. Баҳор тароналари. 2. "Оҳанрабо". 3. "Светлица польска". 4. "Ўзбекистон цирки — 50 ешда". 5. "Замандас" (қозок тилида).

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
14.50 Биз севган комедиялар. "Гараж". Бадий фильм. 16.30 "Познер ва Донахью". 17.20 "Кесиб ташламанг" ... 17.35 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч".

18.25 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.55 Дунёга машҳур цирклар.
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.15 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун матч. Мюнхендан кўрсатилади. 23.05 "Испания осмони остида". Пласидо Доминго ва Мстислав Растропович. 00.10 "А" программаси. Ҳаво шарлари халқаро фестивалига бағишланган концерт. Орел шаҳридан кўрсатилади.
("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз"дан олинди).

Асл йигит учун бу иснод эмасми?

Қабоҳат деган сўзнинг маъноси жуда кенг: порахўрлик, безорилик, хотинбозлик, қотиллик ва бошқа талай иллатларни шу сўз билан ифодаласа бўлади. Бу иллатларнинг ҳар бири ҳар қандай жамиятнинг маънавий поклигига доимо раҳна солиб келган.

Бугун биз қиморбозлик ва унинг оқибатлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Надоматлар бўлсин дейманки, қиморбозлар фаолиятининг авжи пасаймаяпти. Тогни урса талқон қилгудек алпқомат йигитлар жўжабирдек оиласини боқиш ўрнига, фарзандларининг ризқи бўлган пулларни ўртага тикиб, "ё, гардам" дейишдан ор қилишмаяпти. Эндигина мўйлови сабза урган навниҳол йигитчалар эса уларнинг атрофидан жой олишяпти. Агар ана шу манзарага синчковлик билан қарайдиган бўлсангиз, тилга олинаётган муаммо жуда ўткир. Ҳозирги кунда деярли барча жиноятларнинг илдизи шу эканлигини идрок эта олсангиз: хулосангиз янада ойдинлашади.

Ҳеч кимга сир эмас, кейинги пайтларда бутун республикамизда қонунбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши аёвсиз ўт очилди. Бизнинг ички ишлар бўлимимиз шахсий таркиби ҳам давр руҳидан келиб чиққан ҳолда фаолиятимиз режасини ишлаб чиқди. Ҳозир саёй-ҳаракатларимизни ана шу режа асосида қурмоқдамиз. Мақсадга ўтадиган бўлсак, қиморбозлар тўпланадиган жойларни аниқлаб топиш, ана шундай гирдобга тушиб қолганларни, мабодо ўзларида истак бўлса, маънавий жаҳаннам оғзидан қайтариб қолиш, буни хоҳламайдиганларни эса мавжуд қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортиш муҳим вазифаларимиздан бирига айланди.

Ўтган йилнинг 17 октябрь куни эди. Оператив маълумотга асосланган ҳодимларимиз Қўқон қишлоқ Кеңаши ўрамида истиқомат қилувчи Илсиддин Зокиров хонадонига оҳиста қириб боришди. Тахминан соат 22 лар эди. Тамаки тутуни хонани тумандек қоплаб олган. Уймалашиб олган ўнларча қиморбозлар гафлатда қолишди: милиционерларни ҳадеганда сезишмади. Кейин эса...

Табиий ҳол: улар дўппи тор келгач: "Бир сафарча кечиринглар, бошқа такрорланмайди, бола-чақа олдида шарманда қилманглар", — деб минг бор тавалло қилишди. Уларни яна қандай шарманда қилиш мумкин? Негаки, бўлари бўлган шахслар ҳаммаси. Юпун кийинган фарзандлари устини бутлаб, қорнини тўйгазиш ўрнига топганини "дилтортар улфатлар" даврасида совиришга одатланганларни яна қандай таърифлаш мумкин?

Шу боисдан юқоридаги манзилгоҳда тўпланганларни рўзнома мухлисларига бирма-бир таништиришга аҳд қилдим: Юнусали, Рафиқ, Муҳаммад, Аҳмаджон, Юнусали, Қаҳҳор, Ҳасан ва бошқалар. Уларнинг ҳаммаси Бекобод қишлоғида истиқомат қилишади. Улардан 36 доналик карта, 4 дона қўй ошиғи, бир дона нарда тоши ва пул далилий ашё сифатида олинди.

Энди уй соҳиби билан танишинг: Илсиддин Зокиров, 1963 йилда тугилган, битта фарзанди бор.

"Мени кечиринглар, қилган ишим жиноят эканлигини билмабман", — дейди йиғламоқдан бери бўлиб.

— Уйда қиморхона очиб, шунча йигитларни тўплашингиздан мақсадингиз нима энди? — сўрадик ундан.

— Биласиз, ака, ҳозир яшаш қийин бўлиб кетди. Қимордан тушадиган беш-олти сўм пулни тўплаб, уй сотиб олмоқчи, кейин оилам билан ўша ерда яшамоқчи эдим" — деб жавоб қайтарди у.

Ана холос, деб юборинг келади шунақа пайтларда. Шунчалар маънавий сўқирлигимизнинг боиси нима? Наҳотки, қадриятларимиз қайта тикланаётган бир пайтда бу йигит, бошқача қилиб айтганда, бир оила бошлиғи ҳаромдан ҳазар деган ибратли нақлни унутиб қўйган? Майли, ёшлигига бориб унутиб қўйган ҳам дейлик. Унда Бекободдай катта қишлоқда унинг кўзларини очиб қўювчи, чўтал ҳисобига, яъни ҳаром пул эвазига қурилган иморат тезда нураб кетишини тушунтирувчи бирор имонли, диёнатли инсон топилмаса?

Илсиддин чўтал-луқмани иштаҳасини карнай қилган қўйи маза қилиб, емоқчи эди, бўлмади, текин луқма томоғига тикилиб, "йўталтирди". У Фурқат тумани халқ судининг ҳукми билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Имоним комилки, баъзилар Илсиддиннинг қамалганини эшитиб, "Йигит шўрликка жабр бўлибди", дейишлари мумкин. Мен эса ундай кишиларга баралла айтгим келади: "Тўйдан кейинги ногора чалишининг нима кераги бор? Ахир, кечагина унинг жар ёқасига бориб қолганини кўра-била туриб индамадингиз, бу йўлдан қайтармадингиз. Унинг тақдири чигаллашини сиз ҳам сабабчисиз. Шундай..."

Умарбек ШОМУРОДОВ,
Фурқат тумани ИИБ бошлиғи, милиция капитани.

ШАЙТОН ВАСВАСАСИДА

Қишлоқ узра ёйилган қоронгуликдан чиқиб келган кўланка охишта йўл четига ҳовлига ўзини урди. Қишнинг одатдагидек ўтаётган узоқ кечасидаги бу кўланкани пайқаш учун кузатувчининг ўзи йўқ эди. Агар бўлганда ҳам кўланкани ўз ҳовлисида қайтаётган йўловчи, деб ўйлаши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин бундай ўй қанчалар нотўғри: уй эгаси рафикаси билан қариган ва касал ота-оналари ҳолидан хавотир олишиб, бошқа-бошқа хоналарда мижжа қосмасдан ўтиришибди. Саксон ёшли онахон ёнида келин, фарзанд эса кўшни хонада ота ёнида. Тун ҳаммаларини ҳолдан тойғизиб уйкуга етаклайди. Фақатгина чақирилмаган меҳмон, кўланка сергак. Ажаб, уни қандай ўйлар тун ярмида бу хонадонга етаклади экан?

Ҳовли юзини ёритиб турган чироқ нурида кўланка келбатли йигит қиёфасига айланди, ичкарига, хасталик тўшагида ётган она хонасига шўнғиди. У хасталарга дармон олиб келган фаршга эмас эди. Бу инсон қиёфасидаги шайтон, минг афсус, босқинчилик ниятида келган. У газ баллончаси билан қуролланганича тўппа-тўғри она устига бостириб борди. Кўрпага бурканиб ётган кампирнинг юзини очиб, унга газ пуркай бошлади. Аввалига ўғлим деб ўйлаган она, бегонани кўрдию, қичқириб юборди. Хонанинг бошқа бурчагида уйкуга кетган келин қичқирдан уйғониб, ўрнидан турганича босқинчиға ёпишди. Босқинчи эса келинни ҳам додлаганича соҳидан ушлаб, юзига газ пуркади. Бу дод-войдан кўрқиб кетган ўғил отасининг ёнидан отилиб чиқди. Миясида битта ўй: онажонларидан ажралиб қолдилар, шекилли. Хона ўртасида турган босқинчини кўриб эса тили калмага айланмади. “Сенга нима керак?”, — деб гўлдиради, холос. Босқинчи эса келиб унинг юзига ҳам газ пуркади. Шундагина ўзига келган ўғил

бошқа хонага қочиб чиқиб, ов милтиги билан қайтиб кирганда босқинчи қочиниша улгурган эди. Дарҳол босқинчи ортидан чопган йигит қоронгуликка сингиб кетаётган қочоққа қарата ўқ узди. Оёқларидан ўқ еган босқинчи додлаганича қочдию, газдан кўзи кўрмасдан қолган ўғил ерга қулади...

Бу воқеа Фарғона вилоятининг Учкўприк тумани Султанонод қишлоғида содир бўлаётган эди. Учкўприк тумани ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими асосий ходимларининг тезкорлик билан жиноятчи изига тушганликлари натижасида беозор инсонларни қақшатаётган ўғри қўлга

олинди. Мўътабар инсонлар ҳаётига тажовуз қилган бу босқинчи кўшни қишлоқлик бўлиб чиқди (тергов кетмоқда, исми шарифини айтмаймиз). Ишни олиб бораётган ходимларнинг айтишларича, бу шахс бир кечада, уч хонадонда босқинчилик қилиб, бир велосипед ўғирлаб, тўртинчи мартасида оёғидан ўқ еган.

Эртасига босқинчи топилиб, унинг уйи тинтув қилинганда хоналарнинг бирида деворга сейф шаклида ишланган туй-нукдан ўн граммдан ортиқроқ наркотик модда, томдан эса икки қопга жой бўлган олти килодан ошиқ наша топилди.

Илҳом ЭШМАТОВ.

ЎҒРИ

Юсуф бобонинг набираси Очил эрта туриб, молхонага келиб қарасаки, худо уриб қўйибди. Албатта, девор тешилмаганди, лекин сигир йўқ. Бунинг кунда сигир деҳқон учун нима эканини яхши биламиз. Бола-чақа ейман, йчаман деб турса, бу ёқда ейишга уни ҳам килолаб тортиб олиб турсанг... қийин-да. Яна битта сигир олиш учун эса ўзи-шусиз ҳам сувда турган қозонни олиб бориб денгизнинг энг чуқур жойига ташласанг ҳам камлик қилар-ов.

Шундай қилиб, Очил Юсуповнинг сигирини кечаси ўғирлаб кетишган эди. Бундай пайтда нима қилиш керак? Илгари пайтда, хусусан Қобил бобо аминга, приставга борарди. Ҳозир эса уларни ҳам худо кўтарган, ҳолбуки куруқ қошиқ оғиз йиртади, дейишни ҳеч ким тўхтатгани йўқ. Майли, бу шунчаки йўл-йўлакай гап. Очил эса

Қобил бободан фарқли ўлароқ анча-мунча ақли иш тутди: бозорга, кейин милицияга ўтмоқчи бўлди.

Милициядагилар ундан сигирнинг йўқолмасдан олдин бор-йўқлигини, яхши-ёмонлигини сўраган, сўрамаганидан беҳабар қолдик, аммо у билан шоша-пиша Челақ шаҳридаги мол бозорига йўл олишганини биламиз.

Бу ерда Очилнинг хуши бошидан учди: сигирининг ёнида бир киши гўдаиб туриб олган, отасининг молини сотаётгандай уялиш, қизариш, ҳадиксираш йўқ. Жаллобларнинг “бор барака, денг” — деб қўл силкишлариға калласини лиқиллатиб “йўқ” ишорасини қилади. Қўлида молни сотиш учун олган чеклари ҳам бор. Очил томондан ҳам икки киши бориб савдоллашиб келди. Паст кетмайди сира. Арзонроқ сотиш нияти йўқ. Ўғри шунчалар сурбет чиқиб қолдики, ҳатто Очилнинг ўзига ҳам кўнақолай демади. Ниҳоят “савдо”га милиция аралашди.

Шундай қилиб ўғри жуда осон топила қолди. Бу ишни тергов қилиш учун Челақ тумани ИИБ-нинг катта терговчиси, милиция капитани А. Нуржоновга топширишди. Терговда аниқ бўлишича Сайфиддин исмли бу йигит бундан бир ҳафта бурун Солижон исмли жўраси билан Самарқанд шаҳридан Челақ туманининг Томойрот қишлоғига келиб, шу ерлик Ҳамдамнинг молхонасига кириб бир бош сигир ва икки новвосни ўғирлаб кетишган экан. Улар виждон азобиданми, ёки бўлар иш бўлди, деб ўйлашданми, ишқилиб бу гуноҳларига ҳам иқор бўлишди.

Сайфиддин бу сафар бир ўзи келган экан. Топилган нарсани иккига бўлиб юраманми, деган бўлса керак-да. Аммо эпполмади. Омади юришмади. Йўқ, биз фақат қўлга тушиб қолганлигини айтаётганимиз йўқ. Ўлғудай ўжар, қайсар ва шўх сигирга йўлиққанини ҳам назарда тутаямиз. Бу сигир Қобил бобонинг хўқиздан фарқли ўлароқ (замон таъсир қилган) биров етакласа индамай кетавермади. Бозорга яқин қолганда бир шаталоқ отиб, қочиб бердики, Сайфиддин уни йўнғичазордан тутиб келгунча роса сарсон бўлди. Тутиб олганда эса кеч бўлганди...

А. АЛИҚУЛОВ.

ПАНЖАРА ОРТИДА 44 ЙИЛ

Унга яна икки йил қўшиладиган бўлди

Яқинда Сирдарё тумани халқ суди 1935 йилда тутилган, уйланмаган, ҳеч қасрда ишламаган, ўтган элик саккиз йиллик умрининг қирқ тўрт йилини панжара ортида ўтказган Владислав Барановни ўз укасининг ўлимидан айблаб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега энди ҳаётининг асосий қисмини турмада ўтказган, бу ҳам камлик қилгандек, ўз туғишган укасининг ҳам ҳаётига зомин бўлган одамга бор-йўғи икки йилгина жазо муддати белгиланди?

Воқеа бундай бўлганди. В. Баранов навбатдаги қамоқ муддатини ўтаб бўлгач, 1989 йили Сирдарё шаҳрида яшовчи укаси Мироновнинг уйига келди. Миронов уйда жазмани билан яшарди. Аввалига ука-акасининг ташрифидан қувонди, илиқ кутиб олди. Ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиниша кўмаклашди.

Вақт ўтиши билан В. Баранов эскича ҳаёт йўлига тушиб олди. Уйга енгилтак, шубҳали аёлларни бошлаб келаверди. Миронов ҳам ичкиликбозликка акасида қолишмасди. Шу сабаб ака-ука ўртасида келишмовчилик, жанжаллар кучая борди. Охир-оқибат бу қарама-қаршиликлар 1991 йилнинг 8 сентябрь куни ўз ниҳоясигача топди. Владислав жазмани Голосова билан маст ҳолда уйга келиб, ўз хоналарига ўтиб кетаётганларида ширақайғ ўтирган Миронов ва жазмани Карпова уларни тўхтатишди. Ука акасини яккама-якка гаплашиниша чақирди. Икки орада бўлиб ўтган гапдан жазавога тушган ака югуриб хонасига кирди-да, пичоқ билан пайдо бўлди. Миронов ҳам ўқдек учиб, болта билан қайтди. Ҳамлани биринчи бўлиб ука бошлади. Ҳимояга

ўтган Владислав укасининг кўкрагига пичоқ урди. Зарб беҳато урилган экан, Миронов бўйи баробар йиқилдию, жон берди. Болта қўлида қолаверди. Владислав жазманига “тез ёрдам” чақириниша буюриб, ўзи ташқарига отилди. Рўпарасида пайдо бўлган кўшниси Трубицин унга ташланганди, В. Барановнинг қўлидаги пичоқ унинг бўйинини тилиб ўтди. Кўшни уйига қараб қочиниша мажбур бўлди.

Владислав эса тўппа-тўғри милиция бўлимига бориб, уни ҳибста олишлари кераклигини айтди ва милиция ходимларини воқеа содир бўлган жойга бошлаб келди.

Тергов давомида кўп нарсалар аниқланди. Жазманлар бир-бирларини ёқтирмаликлари натижасида туғишганлар ўртасида низо чиқди, бири ўлди (жазманларга эса барибир, бошқа йигитлар куриб кетибдими). Яна шу факт аниқ бўлдики, Баранов Миронов томонидан болта билан элқасидан икки маротаба оғир зарба егачгина пичоқ билан ўзини ҳимоялаган, натижада укасининг кўкрагига пичоқ урган.

Сирдарё тумани халқ суди биносидан вилоят суди вакили З. Рустамова раислигида ўтган суд мажлиси фуқаро В. Барановнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, унга икки йиллик қамоқ муддатини лозим кўрди.

Шундай қилиб, 44 йил панжара ортида кечирилган умрга яна икки йил қўшиладиган бўлди. Шу ҳам ҳаёт бўлди-ми-а?

Х. МҮЙДИНОВ, милиция старшинаси.

ҚЎЛБОЛА ЦЕХДАН ҚЎЛБОЛА АРОҚ

Қабул қилинган хабардан маълум бўлдики, Сирғали туманининг Ворошилов кўчасида истиқомат қилувчи Р. исмли шахс ўз уйда яширинча цех очиб, қалбаки ароқ тайёрлаётган экан. Бу шахснинг уйи тинтув қилинганда ҳақиқатан ҳам цех борлиги аниқланди. Текширувда сотиш учун тайёрланган 8620 дона қўлбола “Рус ароғи”, 1000 та бўш шиша, 15 мингта ёрлик, 800 қоқоқ, 2 дона ароқ тайёрлаш дастгоҳи (бири электрли, бошқаси қўлда ишлатиладиган), 2 тоннага яқин спирт, 2 та бочка, клей ва муҳр босиш қўлланмаси топилди.

Кейинчалик маълум бўлдики, бу шахс қайниси билан келишилган ҳолда ароқ чиқармоқчи бўлишган ва танишлари орқали Чимкент вилоятидан 5,6 тонна соф спиртнинг ҳар бир литрини 800 сўмдан сотиб олганлар. Кўрлар жамиятида ишловчи икки кишидан ёрлик ва қоқоқларнинг донасини 6 сўмдан сотиб олганлар. Бўш шишаларни эса Волгоград кўчасидаги шиша топириш жойи ва Тошкент Минерал, сувлар заводи қошидаги шиша топириш жойидан сотиб олганлар. Ўзлари дастгоҳ ясаб, цехда ишлаш учун уч кишини топиб келишди ва улар орқали ароқ чиқариб сота бошлайдилар. Улар биринчи харидорга ароқнинг донасини 280 сўмдан 100 та ва кейинчалик бир йилгача 2000 донасини 560 минг сўмга сотадилар. Аммо кейинги сафар катта миқдорда тайёрланган ароқни сотишга улгурмай қўлга тушдилар.

Л. АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ИЖК Бошқармаси бўлим бошлиғи муовини, милиция подполковниги.

Самарқандда 15-17 март ва 25 мартдан 2 апрелга қадар олдиндан белгиланган тадбирлар режасига мувофиқ, “Мажмуа” ва “Тўсиқ” деб номланган профилактик ва тезкор қидирув тадбирлари ўтказилди. Бу тадбирлар ички ишлар бошқармаси ва шаҳардаги милиция бўлимларининг кучлари билан амалга оширилди.

Жиноят содир қилгани туфайли 39 киши ушланди. Улардан тўққиз нафари қидирувда эди. Майда ўғирлик ва чайқовчиликнинг 57 факти, паспорт тартиби 237 маротаба, спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қондалари 42 маротаба бузилганлиги аниқланди. Ҳушёрхонага 113 киши келтирилди, 20 кишидан гиёҳвандлик моддалари топилди ва мусодара қилинди.

Шаҳар кўчаларига доимий ва тезкор қидирув гуруҳлари чиқарилди. Доимий гуруҳлар, асосан, ДАН ва милиция патруль-пост хизматининг алоҳида батальони ходимларидан шакллантирилди, уларга бошлиқлар эса офицерлар таркибидан тайинланди. Гуруҳлар автоулов ва ташилаётган юкларнинг ҳужжатлари бор-йўқлигини текшириш, шунингдек йўл ҳаракати қондаларини бузувчиларни аниқлаш билан шуғулландилар. Натижада 870 та ана шундай факт аниқланди, жумладан автоулов воситаларини маст ҳолда ҳайдаган 67 ҳайдовчи

ҚАРОҚЧИЛАР ТЎДАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

тўхтатилди. Тезкор қидирув гуруҳлари зиммасига меҳмонхоналар, ресторанлар, жиноятчи унсулар тўпланиши эҳтимол тутилган жойларни текшириш ҳамда қидирилатган жиноятчиларни излаш вазифаси юклатилди. Бу гуруҳлар ўтказган рейдлар давомида совуқ қурол олиб юришининг икки факти ва гиёҳвандлик моддаларини сақлашнинг бир факти аниқланди, шахсий мол-мулкни ўғирлаш ва қароқчиларча ҳужум қилиш фактлари очилди.

29 март куни текшириш учун тўхтатилган машинадан 30 та ўқли патрони бўлган АКМ автомати, “Наган” типдаги қўлбола тўппонча, тилла буюмлар, 500 минг сўмдан зиёд пул ва никоблар топилди. Бунда икки киши шубҳа билан ушланди. Кейинроқ маълум бўлишича, улар шаҳар ҳудудида кишиларга икки марта қароқчиларча ҳужум қилган эканлар. Бунинг бири ўша куни қилинган, маълум бўлишича, жиноятчилар “иш”дан сўнг уйга қайтаётган эканлар.

Улар тунда енгил автомобилда бир уйга келишган, машинани яқин ерга қўйиб, хонадонга бостириб киришган. Уй соҳиблари бу вақтда айвонда эдилар. Автомат, тўппонча ва

пичоқ билан қуролланган босқинчиларни кўрганда улар қандай аҳволга тушганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Жисмоний зўравонлик қилиш билан таҳдид солган жиноятчилар пул ва қимматбаҳо нарсалар талаб қилганлар, еш жувон уларга 500 минг сўм ва қиймати 80 минг сўм бўлган тилла узукни берган. Кекса аёл қароқчилардан бошқаларга нисбатан зўравонлик қилмасликларини илтимос қилган. Бунга жавобан қароқчилардан бири уни кўндок билан бир неча маротаба урган, сўнгра автоматни ўқлаб етти яшар қизчанинг кўксига тираган ҳамда уй соҳибаси яна пул ва қимматбаҳо буюмларини бермасе, отишини айтиб таҳдид қилган. Қизчанинг ҳаётдан кўркувга тушган онаси яна 71 минг сўм ва тилла занжирчани берган. Боланинг отаси ўзини тута олмай, жиноятчилардан уйни бўшатиб қўйишни талаб қилган. Қароқчилардан бири унинг кўкрагига автомат кўндоғи билан урган. Лекин улар бу билан ҳам қифояланмаганлар. Уй соҳибларидан яна хотин-қизлар ёмғирпўши, “варенка” куртаси, кафта, икки шиша хоржий спирт ва бир шиша хоржий ароқ, шунингдек зирак ва тилла узукни — 63 минг сўмлик бу-

юмни тортиб олганлар. Шундан сўнг уй соҳибларини меҳмонхонага қамаб, милицияга хабар қилишган тақдирда ҳаммаларидан жисмонан ўч олишлари ва уйга ўт қўйиб, барча нарсани йўқ қилишлари ҳақида огоҳлантириб, чиқиб кетганлар.

Ушлаш пайтида икки жиноятчи аввалига қочишга муваффақ бўлди, учинчи жиноятчи ва улар билан тил бириктирган ҳайдовчи қамоққа олинди. Тезкор чоралар кўриш натижасида қочганларнинг яна бири ушланди.

Шуниси таажжубланарлики, жабранувчиларнинг ўзлари юз берган ҳодиса ҳақида милицияга хабар беришмаган.

Ушбу факт бўйича жиноий иш қўзғатилди, тергов олиб боришмоқда. Қароқчиларча ҳужум қатнашчилари ҳар бирининг қанчалик жавобгарлигини суд аниқлайди.

Ана шу тадбирда фаол қатнашган ИИБ ходимлари Самарқанд ИИБ бошлиғининг буйруғи билан тақдирландилар.

Т. УМАРОВ, Самарқанд ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти. С. ЗОҲИДОВ, Самарқанд вилояти ИИБ катта инспектори, милиция майори.

Замон зайли экан, бир пайтлари чанг босиб ётган нарсалар бугун анқонинг уруги. Ана шундай камёб маҳсулотлар қаторига шакарни қўшмасдан иложимиз йўқ. Бу топилмас матоҳни излаб юрганларнинг сон-саногини йўқ.

Альберт Собитов билан Шухрат Аҳмедовлар ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб «шакар» тадбирини амалга оширишга келишиб олдилар. У тунда ўтказиладиган бўлди.

Шериклар тун қоронғусида Касби туман умумий овқатланиш корхонасининг омборига яқинлашибди. Атрофда бу икки қора шарпадан бўлак ҳеч ким йўқ. Альберт бундай тадбирнинг бир нечтасида қатнашганлиги, «тажриба» тўплаганлиги билан Шухратдан ажралиб турарди. Шу боис у бутун оғирликни — ишни муваффақиятли амалга оширишни ўз зиммасига олди. Эшик тиржишидан ичкарига кўз югуртирди. Қопларга кўзи тушгач, юзида табассум порлади. Сўнг шеригини омбор ёнида қолдириб, атрофни яна бир қарра кузатиш учун чойхона томон юрди. Хаелида уни кимдир кузатиб тургандек, таъкиб этаётгандек туюлди. Атрофга кўз кирини ташлади. Ҳаммаёқ зимистон. Зог ҳам учмайди. Хавотирланмаса ҳам бўлади. Ҳаммаси кўнгилдагидек кетмоқда. Вақтни бой бермасдан ишга киришиш керак. Йўқса имконият қўлдан кетиши мумкин. У шундай хаёллар билан Шухратнинг ёнига келди. Шеригига кўлларини ишора қилиб, ҳамма нарса жойида эканлигини, эҳтиёткорлик билан ишга киришиш зарурлигини уқтирди.

Альберт омборнинг эшигидаги қулфни бузиб, ичкарига кирди. Шухрат «соқчилик»да қолди. «Бу ёққа кел, буларни бир кўр» дея шеригини чақирди Альберт. Омборда қоплардаги шакарларни кўрган Шухратнинг оғзи ланг очилди. Бу ерда ўйлаганидан кўп мол сақланаётган экан. Ҳамтовоқлар келишганидек қопларни аравачаларга юклаб, яқиндаги Алишер Навоий давлат хўжалигининг ёзги томошагоҳига таший бошладилар. Ҳаш-паш

дегунча 10 қоп юк томошагоҳнинг кичкина хонасидан жой олди. Бунақа ишларга қўл урмаган Шухрат бироз ўзини йўқотиб қўйди. Ҳансираб, чарчаганлиги сезилди. Юзларидоги қора терни артар экан, шеригига маслаҳат солди. «Бас, етар. Шу ёғини эпласак ҳам ёмон бўлмайди». Альберт бунга рози бўлмади. «Кел, ҳеч бўлмаганда яна 6 қоп олиб чиқайлик, сўнг «куён»нинг расмини

ўтиришмаса керак, «шоввозлар», — дея кўкрак керди Альберт. Эрталаб Альберт шериги Шухрат билан харидорларни топишди. Илҳом ва Қаҳрамонлардан ҳар бир қоп шакар учун 3 минг сўмдан санаб олишди. Томошагоҳга бориб 4 қоп шакарни олишларини тайинлашди. Хонанинг калитини беришни ҳам унутишмади. Молнинг пулини тўлаб қўйган «харидорлар» уни куппа-кун-

Альберт Собитов қўлга тушди. Осойишталик посбонлари Альбертдан шеригини суриштиришганда улом-мимдемади. Қидирув яна давом этди. Бу гал оператив гуруҳ Темур Малик номили давлат хўжалигининг Шакаржўй қишлоғи томон жўнади. Йўлда кета туриб милиция капитани Рўзибой Сайфиевнинг хаёлига қишлоққа кираверишдаги йўл ёқасида

коп — 800 килограмм шакарни ўғирлаганликларини бўйнига олди. Бу жиноятчиларнинг қаерда ва ким бўлиб ишлаши, яшаш жойи билан қизиқишингиз турган гап. Альберт Собитов 1974 йилда Касби туманида туғилган. Туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг шина ямаш цехида ишлаган. Илгари судланган.

Шухрат Аҳмедов 1974 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудук туманидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» жамоа хўжалигига қарашли Ерқишлоқ қишлоғида таваллуд топган. Жиноятга қўл ургунга қадар Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида армия хизматини ўтаб турган.

Шундай ҳақли савол туғилади. Альберт Қашқадаредан. Шухрат андижонлик. Булар қандай қилиб биргаликда жиноятга қўл уришди?

Кўр-кўрни қоронғуда топади деганларидек, Альберт 1992 йилнинг 30 октябрь куни Тошкентда пайдо бўлади. Уйига кетаётган пайтда Жанубий темирйўл шохбекатида Шухратни учратиб қолади. Улар шу ерда дўстлашибди. Қиттақ-қиттақ отиб олгач, боши қизиган Шухрат шеригига бошдан кечирганларни сўзлаб берди. Андижонда туғилганлиги, Тошкентда ҳарбий хизматда эканлиги, икки кундирки, хизматдан қочганлиги, қаерга боришини билмасдан боши қотиб юрганлигини айтади. Шунда «рахмдил» Альберт уни Қашқадарёга, аниқроғи Касби туманига таклиф қилади. Шухрат жон-жон, деб рози бўлади. Улар манзилга келгач, икки-уч кун айланшади. Сўнг пул топиш йўлини қидиришади. Ўйлай-ўйлай юқорида биз баён қилган, ишни амалга оширишга қарор қилишади.

Яқинда Касби тумани халқ суди шакар ўғирларининг ишларини кўриб чиқди ва ҳамтовоқларнинг ҳар бирига 5 йилдан қамоқ жазоси тайинланди.

Муҳиддин Жўраев, журналист.



чизамиз».

Шериклар тагин ишга киришишди. Ўлжа ёмон эмас. Шериклар шакархонанинг эшигини қулфлаб, уйларига жўнашди. Бу пайтда тонг ериша бошлаганди. Улар уйга етиб келгач, енгилгина тамадди қилишди. Ҳамтовоқларнинг фикри-ўйини энди харидор топиш банд қилганди.

Альберт ва Шухрат узоқ ўйга толишди. Нима қилиш керак? Кимга учрашса бўлади? Шу топ Альбертнинг кўз ўнгида танишлари бирма-бир гавдалана бошлади. «Топдим, топдим, улар бунга рози бўлишига ишонаман. Тунов кунни шакар ахтариб, магазинма-магазин чопиб юрганларини ўз кўзим билан кўргандим. Илҳом Рўзиёв ва Қаҳрамон Ҳайдаровлар жон-жон деб олишади. Нархини ҳам суриштириб

дуз кунни, одамларнинг кўз ўнгида олиб кетишга жазм этдилар. Аммо уларга милиция ходимлари пешвоз чиқишди. Харидорлар тўхтатилди. Шакарни қаердан ва кимдан олганликлари суриштирилди. Улар ҳам бўлган воқеани баён қилишди.

Калаванинг учи топилди. Жиноятчилар аниқ. Вазифа битта, у ҳам бўлса уларни қидириб топиш. Зудлик билан туман ички ишлар бўлимининг оператив гуруҳи тузилди. Ходимларга жиноятчилар кутилмаган жойда пайдо бўлишлари алоҳида таъкидланди. Қидирув асосан тунда олиб борилди. Милиция лейтенанти Р. Мейликов, милиция капитани Р. Сайфиев, милиция сержанти Р. Бозоровларни туман марказидаги ўйингоҳдан чиқиб келаётган шахс қизиктириб қолди. Улар адашмаган экан. Изланаётган


жойлашган сув чиқарадиган насос станциясини кўздан кечириш фикри туғилди. Яроқсиз холга келиб қолган бинода кир-чир кўрпа-тўшакларга ўралиб бир кимса ётарди. Уни уйғотишди. Тинчлиги бузилган Шухрат осойишталик посбонларини кўриб қотиб қолди. Ҳеч нарсадан хабардор эмасман, дея милиция ходимларини ишонтиришга ҳаракат қилди. Аммо факт ва далиллар, кўрсатмалар олдида Ш. Аҳмедов ер чизишдан бошқа илож тополмади.

Тергов ходимларининг олиб борган саёй-ҳаракатлари ўз самарасини берди. Альберт Собитов ва Шухрат Аҳмедовлар ўз қилмишларига иқроор бўлишди. Ҳақиқатан ҳам бу иккала ҳамтовоқ, 1992 йилнинг 23 ноябрига ўтар кечаси Касби тумани умумий овқатланиш корхонаси омборидан 16

СУРАТЛИ ХАБАР

СУРАТЧИ муҳбиримиз Ҳ. Шодиев олиб келган ушбу уч суратни чоп этиш билан биз Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимида ишлар жойида экан демоқчи эмасмиз. Мақсадимиз — ходимларни жиллақурса, маънавий томондан рағбатлантириш. Зеро, нафақат ушбу бўлим, балки милиция соҳасида хизмат қилаётган барча ходимларнинг гарданига оғир масъулият юкланганини биз — фуқаролар ҳар доим ҳам тўғри тушунавермаймиз...

СУРАТЛАРДА: туман ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция майори Б. Эрматов ва милиция кичик сержанти А. Асроровлар (ўнгдаги сурат); туман ИИБ ЖТСБ ходими, милиция сержанти М. Шофозилов; ходимлар тушлиқда.



Улар тўрт киши эди. Тунги изғиринга қарамай йўлга чиқишди. Кўзланган манзилларига етгач, тўрттови ажралишиб бирин-кетин қоронғуликка сингиб кетдилар.

Девордан ошиб ўтган Салоҳиддин қўйнидан қарабди чиқариб, шеригига имо қилди. Иккиси бир вақтда эшикни тепиб ичкари киришди. Уй эгалари қўққисдан келган ҳамладан саросимага тушиб қолишди.

— Пулни чўз! Тезроқ!
Алижоннинг ўрнидан турганини пул олиб беради, деб гумон қилган Салоҳиддин милтиқни унга ўқталаркан орқасидан юрди.

Остонадан ўтиши билан Алижон шахд билан эшикни босқинчининг юзига ёпди. Салоҳиддин беихтиёр тепкини босиб юборди. Гумбурлаган овоз хонани тутди. Ишнинг пачава бўлганидан хуноби ошиб босқинчилар

Қони бир, мақсадлари ҳам...

ҳовлига югуришди. Қочишаркан орқасидан изга тушган уй эгасига қарата Салоҳиддин яна ўқ узди.

Уларнинг ҳадиғи бекор эмасди. Негаки кўни-қўшниларининг чироқлари навбатманавбат ёнмоқда эди.

Босқинчилар шу қочганича хилватда учрашибди. Тўрт калла биргалашиб, анча маслаҳатлашибди. Сўнг катта кўчага чиқишди.

Ғизиллаб келаётган «ТАЗ-24» машинасига қўл кўтаришди. Машина тўхташи билан югуриб, эшикни очибди. Ичидоги уч йилгитни судраб олиб тушиб, қуролни тўғрилаб, пул

талаб қилишди.
40 минг сўм пулни шилиб, ғойиб бўлишди.

Мазкур жиноятни очиб учун Сариев тумани ИИБда С. Бобокалонов, М. Бозоров, М. Хўжаев, М. Муродовлардан иборат оператив гуруҳ тузилди. Гуруҳга вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция полковниги М. Бозоров раҳбарлик қилди.

Жабрдийдаларнинг кўрсатмаларига асосан босқинчиларнинг суратлари чизилди. Ҳаракатлар тезлики тақозо этарди. Сабаби, уларнинг қўлидаги қурол ҳализамон кўнгилсизлар чиқариши мумкин.

Излар илгари судланган Эргаш ва Қобилларга чиқди. Иккиси ҳам ҳеч қаерда ишламас, бунинг устига гиеҳванд моддалар истеъмол қилишда гумон этилаётганди. Вақтни ганимат билган ходимлар уларнинг яшаш жойларида тинтув ўтказишди. Тинтув чоғида қарабин, ўқ-дорилар, 100 минг сўмдан ошқ пул билан бирга наркотик моддалар ҳам олинди.

Тўданинг яна икки иштирокчиси ака-ука Эшонқудовлар экан. Акаси Салоҳиддин ёиллаи бўлишига қарамай, ҳеч қаерда ишлаган. Бекорчилардан илгари судланган оғайнилари таъсирига берилган. Бироқ ўз укаси Хумойдинни нега бу ботқоққа тортгани ақлга сизмайди. Нахотки ака укани чоҳга итарадиган замоналар бўлди?!

М. ИБРОҲИМОВА.


ПОСТ ЁНИДА БОҒ

Бағдод қасабасига Қўкон тарафидан кириб келавришдаги давлат автомобиль назорати постининг чўзилиб кетган қурилиши ўтган йили ниҳоят битказилганди.

Бу йил баҳорда туман ички ишлар бўлими ходимлари яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Янги назорат пости яқинида милиционерлар боғи ташкил қилинди. Бу ерда 1200 тупдан зиёд мевали ва 500 тупдан ортиқ манзарали дарахтлар, 100 тупдан зиёд

ҳар хил гул кўчатлари ўтказилиб, меҳр билан парваришланмоқда. Боғни ташкил этишда Анваржон Собиров, Мухторжон Солиев, Сойибжон Саминжонов, Йўлдошали Имомов, Мухторали Йўлдошев каби ўнлаб ходимлар катта ҳисса қўшди. Келгусида боғ ёнида чойхона барпо этиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Зоҳиджон НЕЪМАТ.



Изоҳнинг ҳожати йўқ...

Холхўжа дўстлари орасида бировларнинг хаёлига келмаган нарсаларни ўйлаб топиши, тантилиги билан ном чиқарган. Бир куни дўстларини тўплаб, сафга тизди.

— Энди, — деди у, — хотинидан кўрқмайдиганлар ўнг томонга, кўрқадиганлар чап томонга ўтсин.

Йигитлар бўлинишди. Бир пайт узоқдан тўрт-беш аёлнинг қорасини кўрган ўнг томондагилар ҳам гурр этиб ўзларини чап томонга олишди. Тўғри қилишди. Ўша аёллар ичида биронтасининг хотини бўлса-чи. Қисқаси, ўнг томонда дорилликка бирорта эркак қолмади. Лекин бир мақтанчоқ

ХОТИН

(Ҳажвия)

ўртада гўдайганича қотиб турарди. Унинг юзига сув сепишса ҳам, шапатиласха ҳам кўзини очмади. Новшадил спиртни ҳидлатиб, аранг ўзига келтиришди. Сўнг сўрашди:

— Нега сен ўнгга ҳам чапга ҳам ўтмай, ўртада қотиб қолдинг? Ўзинг қайси томонга ўтмоқчийдинг?

— Билмайман, — деди у, — мен ҳамиша хотин сўзини охиригача эшита олмайман. "О! о..."сини эшитгандаёқ ўзимдан кетаман.

— Баъзилар учун "хотин" сўзи атомдан кучли. Хотинимдан кўрқмайман, деганлар бу сўзни кўрқанидан айтишади, — деди Холхўжа гердаиб. Шу пайт унинг қаршисида кузатиб турган хотини пайдо бўлди.

— Хўш, ўзлари қайси томонга ўтадилар? — сўради хотин.

Холхўжа аввал саф тортган йигитларга, кейин хотинига қаради:

— Мен ўртада тураман.

Хотиннинг жаҳли чиқди:


— Нега?

Холхўжа гердаиди:

— Чунки ҳозирча мен командирман.

Тўхташ АШУРОВ.

БОШҚОТИРМА



Ҳамма жавоблар белгиланган катакчадан бошлаб, соат мили бўйлаб ёзилади:

1. 1941-1944 йилларда Польшанинг Люблин шаҳри яқинидаги гитлерчи фашистлар концлагери 2. Кичик Антил ороллари тўдасига мансуб давлат. Пойтахти — Розо 3. Эрондаги шаҳар. Маъмурий марказ 4. Эрондаги Сосонийлар сулоласининг асосчиси ва дастлабки подшоси 5. Қурган вилоятидаги шаҳар 6. Усурийск шаҳрининг 1926 йилгача бўлган номи 7. Хитойнинг шарқдаги тор тизмаси 8. Марказий Осиёда ҳамда Афғонистоннинг шимолида яшаган йирик

қабилалардан бири 9. Зоир (1966 йилгача Леопольдвиль) Республикаси пойтахти 10. Эронларни енгиб, Ахмонийлар давлатини бўйсундирган, Ўрта Осиёга бостириб кирган Македония подшоси 11. Ульяновск шаҳрининг 1924 йилгача бўлган номи 12. Масжидда қуръон ўқиш ва ваъзхонлик қилиш учун меҳроб ёнига қилинган зинали супа 13. Покистоннинг шимолий-ғарбидаги ўлканинг қадимий номи 14. Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбидаги шаҳар 15. Шашмақомнинг мақомларидан ва ўн икки мақомнинг шўбаларидан бири 16. Белгород вилоятидаги шаҳар 17. АҚШнинг 16-президенти 18. Милоддан аввалги, тахминан 287-212 йиллар Сицилиянинг Сиракуза

шаҳрида туғилган юнон олими 19. Номи 1952 йилгача Подгорица бўлган собиқ Югославиядаги шаҳар 20. Нидерландия пул бирлиги 21. Собиқ Ворошиловграднинг 1935 йилгача ва 1958-70 йиллардаги номи 22. Ҳиндистоннинг шимолий-шарқдаги штат 23. Малави пойтахти 24. Шимолий Европадаги давлат 25. Прометейни озод қилган, Антейни енгган юнон афсоналари қаҳрамони 26. Жавоҳирнинг синоними.

Тузувчи: Йўлдош НАСРИДДИНОВ, милиция подполковниги.

• РЕКЛАМА, • ЭЪЛОН, • БИЛДИРУВЛАР •

СУГУРТА ШИРКАТИ «АСР» СТРАХОВАЯ КОМПАНИЯ

МУЛҚДОРЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА МАНСУБ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ёнғиндан сугурта қилишга ихтисослашган "АСР" сугурта ширкати "ЁНГИНДАН МУҲОҒАЗА СУГУРТАСИ" шартномаларини тузишни давом эттиради.

"ЁНГИНДАН МУҲОҒАЗА СУГУРТАСИ" қондалари буйича кўчириладиган ва кўчмас мол-мулк сугурта қилинади.

"АСР" сугурта ширкати сугурта тўловларининг ставкалари Тошкент шаҳрида жойлашган тижорат сугурта ташкилотларининг ставкаларидан 200 дан 1000 фоизгача миқдорда оз.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
Тошкент шаҳри,
Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 17.
ТЕЛЕФОН: 34-50-98.

ДИҚҚАТ!

Бу ерда ҳам Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди. Ҳали ҳам кеч эмас.

Газетамиз Сизнинг эълон, билдирув, қутлов ва бошқа хушхабарларингизни Сиз истаган муддатда, "чақмайдиган" нарҳда, кўзга ташланадиган қилиб чоп этишни

КАФОЛАТЛАЙДИ

Иккиланманг, биз кутамиз!

Телефонларимиз:

39-77-23, 37-23 (ички).

39-70-40, 30-40 (ички).

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ички ишлар бўлими жамоаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Аскар Зиёвуддиновга падари бузрукворлари, истеъфодаги полковник **Азмиддин ЗИЁВУДДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлиб қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 191, 34.449 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табақ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.